

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

*Kўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 336.02 (575.141)

**ДУСИЯРОВ ШЕРЗОД ХОЛМУРОТОВИЧ**

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илмий даражасини олий учун тайёрланган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Урмонов Жаҳонгир Жалолдинович  
иқтисод фанлари доктори, профессор**

**Тошкент шахри 2022 йил**

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>I БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
1.1. Кичик тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг объектив зуурлиги ва назарий асослари.....	14
1.2. Иқтисодиётни ривожлантириш ва тартибга солищда солиққа тортиш механизмининг назарий асослари.....	31
1.3. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш босқичлари ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни..... 1-боб бўйича хulosалар.....	47 63
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>65</b>
2.1. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати таҳлили.....	65
2.2. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	76
2.3. Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири таҳлили..... 2-боб бўйича хulosалар.....	95 107
<b>III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>110</b>
3.1. Тадбиркорликка қулай иш билармонлик муҳитини яратиш ва солиққа тортишни такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йўллари.....	110
3.2. Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўллари ..... 3-боб бўйича хulosалар.....	128 139
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>142</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>146</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>157</b>



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳоли бандлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, “иқтисодий фаол аҳолининг АҚШда 52 фоизи, Хитойда 83 фоизи, Германияда 57 фоизи ва Японияда 72 фоизи кичик бизнесда банд бўлиб, АҚШда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 56 фоизи, Хитойда 60 фоизи, Германияда 43 фоизи ва Японияда 67 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда”<sup>1</sup>. Шунингдек, “иқтисодиётда ЯИМга нисбатан солиқ юки даражаси АҚШда 24,5 фоиз, Буюк Британияда 33,0 фоиз, Германияда 38,8 фоиз, Швецияда 42,9 фоиз, Туркияда 23,1 фоиз, Японияда 32,0 фоиз, Жанубий Кореяда 27,4 фоиз, ИХТТга аъзо мамлакатларда 33,8 фоиз ва Россияда 32,0 фоизни ташкил этган”<sup>2</sup>. Мазкур маълумотларга кўра, дунёning ривожланган мамлакатлари тажрибасида кичик бизнес субъектлари мамлакатнинг иқтисодий ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, сўнгги йилларда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатларда кичик бизнес субъектлари учун умумбелгиланган ва маҳсус солиқ режими шароитида солиқ юкини текис тақсимлашга йўналтирилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида кўплаб хорижий мамлакатларда глобал инқироз ва пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва бизнесни қўллаб-қувватлашда солиқ механизми орқали кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бизнесга солиқ юки ва солиқ ставкаларини камайтириш, солиқларни кечикириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, экспортни рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини

---

<sup>1</sup> Санников Д.В. Анализ современного состояния мер поддержки малого и среднего предпринимательства в России в условиях коронакризиса. //Экономика, предпринимательство и право. 2022. Том 12. № 6. – С. 1693-1708. – <https://1economic.ru/lib/114850> ; <http://doklad.ombudsmanbiz.ru/2021/7.pdf>

<sup>2</sup> <https://eyourcountry.org/>. [Revenue Statistics.](#); <https://stats.oecd.org/>; <https://taxfoundation.org/>.

таъминлаш бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш, шунингдек, солиқ тизимини рақамлаштириш ва солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини ошириш, бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик мұхитини яратиш ҳамда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, бизнесни юритиш ва тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишда бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, солиқ юкининг юқорилиги, солиқ маъмуриятчилигининг шаффоф эмаслиги, солиқ солиши мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонлари оптимал белгиланмаганлиги, хуфиёна иқтисодиётнинг мавжудлиги, солиқ тушумларини яшириш, солиқ базаси ва объектлари камайтириб кўрсатилиши каби ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалий ечимларини топиш мұхим аҳамият касб этади. Бу борада, миллний иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Миллний иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиш” каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон “Ресурс соликлари ва молмулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ-6307-сонли “Солик мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурӣ ва солик юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Соликларнинг назарий ва хуқуқий асослари ҳамда соликқа тортишга оид муаммолар классик иқтисодчи олимлардан У. Петти, Д. Рикардо, А. Смит, шунингдек ҳозирги замон олимларидан И.М. Александров, А.В. Брызгалин, В.Г. Князев, И.М. Майбуров, В.Г. Пансков, А.Б. Паскачев, Д.Г. Черникларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган. Тадбиркорлик субъектларини соликқа тортиш

муаммоларини тадқиқ этишнинг айрим жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар М.А. Альмардонов, Н.Б. Ашурова, У.В. Гафуров, Н.Х. Жумаев, А.С. Жўраев, Т.С. Маликов, И.М. Ниязметов, Б.Р. Санакулова, Ш.А. Тошматов, Б.Э. Тошмуродова, Ж.Ж. Урмонов, К.Р. Хотамов, С.К. Худойкулов, Н.Х. Ҳайдаров, З.Н. Қурбонов, Н.Р. Қўзиева, О.Т. Юлдашевларнинг илмий ишларида ўрганилган.

А.А. Ботиров кичик тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортиш амалиётини такомиллаштириш ва Қ.Н. Тўхсанов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқقا тортишни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишган .

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларига қарамай, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш шароитида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган ўрта истиқболга мўлжалланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, кичик тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларини мустақил илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш, шунингдек, глобал инқироз ва пандемия шароитида кичик бизнесни солиқقا тортишнинг назарий ва амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш – тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши республикамиизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келади ва Давлат солик қўмитаси хузуридаги Фискал институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Кичик тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

## **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ташкилий, ҳуқуқий, назарий асосларини ўрганиш, уларни ривожлантириш босқичлари ва миллий иқтисодиётда тутган ўрнини тадқиқ этиш;

тадбиркорлик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишда солик механизмининг моҳияти ва назарий асосларини тадқиқ этиш;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсирини таҳлил қилиш ва берилган солик имтиёзлари самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш борасида хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини амалий жиҳатдан таҳлил этиш ва ва бюджетга солик тушумларини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимидағи муаммоларни бартараф этиш ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизми танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда давлат бюджети билан юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усууллари.** Диссертация тадқиқоти жараёнида тўпланган статистик маълумотларни қайта ишлаш, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил қилиш, гурухлаш усуулларидан фойдаланилган.

## **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг солик даврида товар (хизмат)ларни реализация қилишдан олинган даромади ҳажмига қараб айланмадан олинадиган солиқни жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турларини ишлаб чиқиш ҳамда солиқка тортишни соддалаштириш таклиф этилган;

бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, фаолият амалга оширилган жой учун ўрнатилган солиқни тўлаш таклиф қилинган;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронлиги бўлган шахслар фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда солиқка тортиш (тўлашлиги) таклиф этилган.

## **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

солик даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва солик даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни тўлаши кераклиги тартиби бўйича таклифи асослаб берилган;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланган;

бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўлаши таклиф қилинган;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни ижтимоий қўллаб-куватлаш мақсадида, I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлашлиги ҳамда «Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва хунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширганида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлашдан озод этилиши юзасидан таклифи илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган ёндашув ва усусларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларни расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги маълумотлари, солиқ қонунчилигини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва солиқ ҳисботларидан фойдаланилганлиги ҳамда хulosा ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш механизмини такомиллаштириш, солиқ сиёсати ва солиқка тортиш

тизимиға оид назарий ва маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш механизмини такомиллаштириш, солиқ қонунчилиги ва бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.**

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади ҳажмига қараб айланмадан олинадиган солиқ жорий этиш бўйича берган таклифлари 2020 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексининг 461-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни тўлаши тўғрисидаги таклифи амалиётга жорий этилган ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилда 379,4 млрд.сўм миқдорида айланмадан олинадиган солиқни тўлаган;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш бўйича берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни

давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарорида ўз аксини топган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари ишлаб чиқилган ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларни рўйхатга олиш бўйича мобил илова, солик тўловчининг шахсий кабинети ҳамда солик идораларининг ўзида жами 950 мингдан ортиқ фуқаролар рўйхатдан ўтишига эришилган;

тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солик тўлаши бўйича таклифи амалиётга жорий этилган ва Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 383-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, 2020 йилда яъни, бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги 11232 нафар ЯТТлардан 5638,1 млн.сўм қатъий белгиланган даромад солиғи ундирилишига эришилган;

I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлашлиги бўйича таклифи амалиётга жорий этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сон Қонунига асосан, Солик кодексининг 383-моддасига ўзгартириш киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида, 2020 йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ногиронлиги

бўлган шахслар ихтиёрида 9,7 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар қолишига имконият яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси доирасида 17 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 2 та, халқаро журналларда 4 та илмий мақола чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тайёрланган диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

# **I-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.**

## **1.1. Тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг объектив зурурлиги ва назарий асослари**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилиармонлик мухитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини кучайтириш, давлат органлари, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний аралashiшининг олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш. **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** деган принципни амалиётда рўёбга чиқариш<sup>3</sup> иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси учинчи йўналишида “макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини

---

<sup>3</sup>Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488б.

такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”<sup>4</sup> каби чора-тадбирлар белгиланган<sup>4</sup>.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Жаҳон банкининг “ Doing Business ” 2020 янги ҳар йиллик ҳисоботиди Ўзбекистон **7 ўрин юқорига кўтарилиб**, дунёning 190 мамлакати орасида **69-ўринни** эгаллади. Бу бизнинг мамлакатимизга ишбилармонлик мухитини яхшилашда энг катта ютуқларга эришган **20 та мамлакат** қаторига кириш имконини берди. Шунингдек, “Иқтисодий эркинлик индекси” рейтингида Ўзбекистон **26 поғонага** кўтарилиб, 2020 йилда **114-ўринни**, “Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси” 2020 йилги рейтинг натижаларига кўра 152 давлат орасида **92-ўринни** эгаллади.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, фаровон турмушини таъминлашда мухим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир.<sup>5</sup>

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим”<sup>6</sup>.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ ва демократик фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат экан, бу борадаги асосий шартлардан бири иқтисодиётга давлатнинг

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. “ Конун устуворлиги – инсон манбаатларини таъминлашнинг мухим омилидир ” – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 8 январ.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.– Тошкент.: «Ўзбекистон», 2005. -89 б.

аралашувини қисқартириш, энг аввало, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттиришни тақозо этади.

Бугунги кунда турли илмий-назарий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес тушунчасининг мазмун-моҳияти, турлари ва шакллари хусусида, кўплаб олимларнинг фикрлари, мулоҳазалари кенг ўрин эгалламоқда. Уларда кўпинча тадбиркорлик фаолияти ва бизнес бир хил тушунча сифатида талқин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги **ЎРҚ-328-сонли** Конунига мувофиқ, **тадбиркорлик фаолияти** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир - деб таъриф берилган.

Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, «бизнес» ва «тадбиркорлик» тушунчалари хусусида иқтисодчи олимлар томонидан турли фикр ва ёндашувлар билдирилган бўлиб, ягона таърифга келинмаган. Ушбу тушунчалар синоним сўzlаридек қаралади.

“**Бизнес**”- сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда, кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир<sup>7</sup>.

**Бизнесмен (тадбиркорлик)** - сўзи илк маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди<sup>8</sup>.

<sup>7</sup>Райзберг Б.А. Современный экономический словарь.-М.: ИНФРА-М, 1997.,-496 стр.

<sup>8</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, 1962, – Кн.5. – с.588.

**Бизнес (business)** — даромад келтирадиган ёки бошқа наф берадиган хўжалик фаолияти (касбкор, машғулот), фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий фаолият. Миллий (давлат) қонунлар ва халқаро шартномалар билан тартибга солинади<sup>9</sup>.

**Тадбиркорлик** — капитал сарфлаб товар ва хизматлар яратиш билан фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият, бизнеснинг асосий тури. Тадбиркорлик, мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир. Тадбиркорлик ноёб қобилият, ер, меҳнат, капитал, ахборотлар билан бир қаторда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг бош омилларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик бизнесга киради, лекин ҳар қандай бизнес тадбиркорлик бўлавермайди. Бизнесда товар ва хизматлар яратилиб, бозордаги талаб қондирилганда тадбиркорлик фаолияти юзага келади<sup>10</sup>.

**Тадбиркорлик** - кенг маънода шахсий ва ижтимоий манфаатни қондиришга асосланган ақлий ва жисмоний фаолиятни билдиради. У субъект ўз олдига қўйган мақсадига эришишга йўналтирилган бўлиб, бу мақсадга унинг бевосита қатнашуви ва хусусий омиллари (мулки, жисмоний ва ақлий қобилияти, билими, тажрибаси, ижтимоий муҳитдаги ўрни, бу ўринга боғлиқ имтиёзли хуқуqlари ва ҳоказолардан фойдаланиш йўли билан эришилади<sup>11</sup>.

Тадбиркорлик илмий-тадқиқот обьекти сифатида дастлабки вақтларда иқтисодчи олимлар И.Шумпетер, Р.Кантильон каби классиклар томонидан ўрганилди. Хусусан Р.Кантильон тадбиркорликни фойда олиш чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб олади-ю, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у таваккалчи, таклифни талабга мословчи<sup>12</sup> - деб

<sup>9</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент, [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси

<sup>10</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент, [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси

<sup>11</sup> Б.Эргашев Маркетинг терминлари изоҳли лугати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар. Т.: «Sharq», 2012 - 512 б.

<sup>12</sup> Азизова М. Кичик бизнес муаммолари мақсади // Ўзбекистон иқтисодиёт ахборотномаси. –Тошкент, 1999,

баҳолайди. Шумпетер тадбиркорликнинг беш муҳим томонини: истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариши; янги ишлаб чиқаришини қўллаши ва мавжуд товарлар тижорийлигини таъминлаш; янги товарларни ўзлаштириши; янги хом-ашёларнинг ишлатилиши; тармоқни такомиллаштиришни кўрсатиб беради. Тадбиркор янги комбинацияларни амалга оширувчи шахсадир<sup>13</sup> - деб таъкидлайди.

Иқтисодий назария фанида “тадбиркорлик” тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлди ва кўпинча “мулкдор” ибораси билан бир хил тушунилган. Хусусан Адам Смит тадбиркорликни фойда олиш учун қандайдир тижорат гоясини амалга ошириш мақсадини кўзлаб таваккалчилик билан иш кўрувчи мулкдор деб характерлайди.

Д.Б.Сей тадбиркорликни анча кенг таърифлайди. Унинг фикрича, тадбиркор энг кўп маҳсулот олиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларини бир-бирига уйғунлаштириш ишлари билан шуғулланувчи иқтисодий гумашта (агент)дир<sup>14</sup>.

Тадбиркорлик назариясига муҳим ҳисса қўшган Австрия иқтисодчиси И.Шумпетердир. У ўзининг 1912 йилда ёзган “Иқтисодий тараққиёт назарияси” китобида тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг янгича комбинацияларини амалга оширадиган ва шу билан иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган киши деб атайди<sup>15</sup>.

К.Макконнелл ва С.Брю тадбиркорликка асосида узлуксиз шартлар ва талаблар ётувчи муҳим фаолият тури сифатида қарайдилар. **Биринчидан**, тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва “катализатор” вазифасини бажаради. **Иккинчидан**, бизнесни юритиш жараёнида у қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади. **Учинчидан**, тадбиркор – ташкилотчи

---

1-2 сонлари- 34 -бет.

<sup>13</sup> Балашевич. М.И. «Малый бизнес: отечественный и зарубежный опыт» Учеб. Пособие. -Москва. НКФ «Экоперспектива», 1995., - 27-28. стр

<sup>14</sup> Сей Ж.Б. Тракт политической экономики.- М.: 1985, 55-с.

<sup>15</sup> Шумпетер И. Теория экономического развития. - М: Прогресс. 1985, 159 с.

шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади. **Тўртинчидан**, тадбиркор бу таҳликага борувчи инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, хиссадорлари қўшган маблағлар билан ҳам таҳликага боради.<sup>16</sup>

Кичик бизнеснинг муҳим белгиларидан бири ўз ишига, мулкига бевосита эгалик қилишдир. Бунда мулк ва назоратнинг айнан ички боғлиқлиги, мулқдор ва таҳлика билан боғлиқ тўла жавобгарлик ва маъсулиятни ўзига қабул қила оладиган бошқарувчининг бирдамлиги муҳимдир. Кичик бизнеснинг ижтимоий иқтисодий моҳиятини тўлароқ очиб бериш учун унинг бошқа иқтисодий субъектларидан фарқли жиҳатлари қолаверса, афзалликлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Америкалик иқтисодчи Р.Стюарт кичик бизнеснинг хусусиятлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтади<sup>17</sup>: кичик бизнес, кўпчилик янги маҳсулот ёки хизмат турининг бунёд этилиши учун бошланғич ишлаб чиқариш нуқтасидир; кичик бизнес ихтисослашган маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга яхши мослашган бўлади; кичик бизнес ўз истеъмолчисини шахсан билиши муҳим бўлган хизмат турларини таклиф этади.

Иқтисодчи олим Л.Гуровнинг фикрича<sup>18</sup>, кичик бизнес қўйидаги афзалликларга эга: устун даражада иқтисодий ўсишнинг суръатларини белгилайди, моддий, молиявий ва кадрлар ресурсларининг самарали тақсимланишига ёрдам беради, иш ўринларини вужудга келтиради, янги иш жойларини ташкил этишда йирик корхоналарга қараганда анча кам харажат талаб қиласди.

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан академик С.Ғуломовнинг таъкидлашича, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда, иқтисодий тушкунликда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредитлар фоизи ўта

<sup>16</sup> Макконнелл К., Брю С. Экономика. Принципы, проблемы и политика.- М.: Республика, 1992, с.38.

<sup>17</sup> Курбангалеева О.А. Как правильно применять упрощёнку. – М.: “Эксмо”, 2007. – С. 416.

<sup>18</sup> Гуров Л.Кичик тадбиркорликнинг янги имкониятлари // Бозор, пул ва кредит.–Тошкент, 1999. – №7–Б. 32.

юқори бўлганда ҳам, зарур инфратузилмасиз келажаги номаълум ҳолларда ҳам, хавф-хатар қанчалик юқори бўлишига қарамай яшайверади<sup>19</sup>. Шунингдек, профессор А.Ўлмасов томонидан «Кичик бизнес – кишилар (мулкчилик) субъектларининг моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда хўжалик оборотига, даромад топишга мўлжаллангандир», дея таъкидлаган бўлса,<sup>20</sup> Ё.Абдуллаев тадбиркорликка – қонун хужжатларига мувофиқ, даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти сифатида таъриф берган<sup>21</sup>.

Иқтисодчи Ш.Қобиловнинг “Иқтисодиёт назарияси” дарслигига тадбиркорлик - бозор тизимиға хос бўлган маҳсус иқтисодий фаолият бўлиб, товар ва хизматларни яратиш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш орқали фойда топишга қаратилган бизнеснинг асосий тури ҳисобланади<sup>22</sup>. Тадбиркорлик маҳсус тизим ҳосил этадики, бунга тадбиркорликнинг обьекти, субъекти, тадбиркорлик қонун-қоидалари, ахлоқий меъёрлари, тадбиркорлик сиёсати ва унинг инфратузилмаси киради.

Иқтисодчи Н.Ашуррова томонидан тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, қонунчиликка риоя этишдаги масъулият, фойдани максималлаштиришга бўлган интилиш ётади ҳамда манзилли мақсадга йўналтирилган фаолият ётади деб фикр билдирган<sup>23</sup>.

<sup>19</sup> Гуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: «Шарқ», 2002. - 9 б.

<sup>20</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Мехнат», 1999. – Б. 243.

<sup>21</sup> Абдуллаев Ё. ва бошқалар. Тадбиркор ён дафтари: кичик бизнес ва тадбиркорлик.–Т.: «Мехнат», 1999. - 12 б.

<sup>22</sup> Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 775 б.

<sup>23</sup> Ашуррова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишли таъминлашда соликка тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. ... диссертацияси.–Т.: 2018. – 62 б.

Тадбиркорлик бўйича билим ва амалий фаолиятлар заминимизда ҳукмдор бўлган буюк шахслар Сохибқирон Амир Темурнинг “Тузуклари”да ёрқин ифодасини топган<sup>24</sup>. Буюк саркарда Амир Темур мамлакат осойишталиги ва мўл-кўллигига эркин тадбиркорлик фаолиятига устуворлик берилиши орқали эришиш мумкинлигини чуқур идрок этган ва унинг тамойиллари машҳур “Темур тузуклари” асарида аниқ бир тизимга келтирилган. Унга кўра: “... мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми қатый, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидур”<sup>25</sup> - деган хulosани илгари сурган<sup>26</sup>.

Тадқиқот натижаларидан хulosса қилиб айтиш мумкинки, турли даврларда олимлар томонидан бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларига турлича таърифлар берилган бўлиб, ягона бир таърифга тўхталмаган. Тадбиркор: янги технология, янги ишлаб чиқариш ва янги хизмат ишларини ишлаб чиқувчи новатор; таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи, кучли шахс; ҳар қандай имкониятдан максимал фойда оладиган субъект; ташабbus кўрсатувчи, ишбилармон, ижтимоий-иқтисодий механизмни ташкил - этувчи шахс.

Фикримизча, тадбиркорлик бизнесдан фарқ қилиб, **тадбиркорлик** – тадбиркорлик фаолияти натижасида даромад олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир. **Бизнес** эса унга нисбатан кенг тушунча бўлиб, яқуний ҳаракати киритган капитали ҳисобига фойда олиш нуқтаи-назаридан юритилувчи фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев фаол **тадбиркорлик** - бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бошқарув усувлари асосида ташкил

---

<sup>24</sup> Болтабоев М.Р., Қосимова М.С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув кўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2012. - 289 бет.

<sup>26</sup> Темур тузуклари. –Т.: Faфур ғулом нашриёти. 1991. 15-б.

этадиган иқтисодий йўналишдир<sup>27</sup> - дея таъкидлайди. **Фаол тадбиркор деганда**, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннынг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт.<sup>28</sup>

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши давлат томонидан кафолатланиши ёзилган. Шунингдек, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва давлат ҳимоясидалиги белгилаб қўйилган<sup>29</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонунига мувофиқ, **тадбиркорлик фаолияти** - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22 декабрь 2017 йил. – Халқ сўзи газетаси.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22 декабрь 2017 йил. – Халқ сўзи газетаси

<sup>29</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: - Т.: «Ўзбекистон», 2012 й. - 40 Б.

жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир - деб таъриф берилган.

Мазкур қонунга кўра, тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти, унинг турлари ва иштирокчилари қуидагича белгиланган:

**тадбиркорлик фаолияти субъектлари** (тадбиркорлик субъектлари) – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир;

**кичик тадбиркорлик субъектлари** – якка тартибдаги тадбиркорлар, оиласији корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналардир;

**якка тартибдаги тадбиркорлик** – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишидир. Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли<sup>30</sup>.



### 1.1-расм. Кичик тадбиркорлик субъектлари турлари<sup>31</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш,

<sup>30</sup>Солик кодексининг -18 моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391 сонли Қонунига мувофиқ ўзгартириш киритилган

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонунига мувофиқ муаллиф томонидан тузилди

уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 15 майдаги **ПФ-4725-сон** Фармонига мувофиқ, 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, **бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш** ҳукуки берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги “Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги **219-сонли Қарори** билан тасдиқланган низомга асосан, хусусий тадбиркор ходимларни ёллашни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари” рўйхатида назарда тутилган фаолиятнинг амалга ошириладиган турига боғлиқ ҳолда, бир нафардан уч нафаргача микдорда амалга оширишга ҳақлидир. Бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган хусусий тадбиркор, фаолиятнинг турлари сонидан қатъи назар, уч нафардан кўп бўлмаган ходимларни ёллаш ҳукуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезони қўйидаги 1.2-расмда белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4232-сонли Фармонига асосан, микрофирма ва кичик корхоналар қонунчиликда белгиланган имтиёз ва енгилликларни сақлаб қолган ҳолда, ходимларининг ўртacha йиллик


сонини **20 фоизга** 2015 йилдан **50 фоизга**<sup>32</sup> оширилишига рухсат берилди. Бунда, ходимлар сонининг оширилишига республика ўқув юртлари битиравчиларининг ўқишини якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1112-сонли Қарорига мувофиқ, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун хужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан **30 фоиз ошган** микдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолиниши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 707-сонли қарорига мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорларга қонун хужжатларида белгиланган фаолият турлари бўйича **беш нафаргача** ходимларни ёллаш ҳукуқи берилди.

Ушбу ўзгаришлар кичик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ишчилар сонини ошириш ҳисобига янада кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, илгари кичик корхоналар тоифасига киритилмаган ва йирик корхоналар сифатида фаолият юритган хўжалик субъектларига солиқса тортишнинг соддалаштирилган тизимидан фойдаланишни танлаш имкони берилди.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий ёналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-379 сонли Конуни



### 1.2-расм. Кичик тадбиркорлик субъектларини тармоқлар бўйича аниқлаш мезонлари<sup>33</sup>

Фикримизча, микрофирма ва кичик корхоналар янги иш ўринлари яратиб республика ўкув юртлари битирувчиларини иш билан таъминласа,

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонунига мувофиқ, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

янги ходимларга (битирувчиларга) бериладиган иш ҳақи суммаси миқдорида, ижтимоий солиқ базасини 50% дан ошмаган миқдорда белгилаган муддатга (12 ойгача) солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур имтиёзни татбиқ этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сон Фармонига ўзгартириш киритиш керак.

Юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, жисмоний шахслар 2011 йил 1 апрелдан бошлаб қарор билан тасдиқланган рўйхатга киритилмаган фаолият турларини амалга ошириши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган 87 та фаолият турлари рўйхати киритилган (илова-1).

Оилавий тадбиркорликка максимал даражада янада қулай бизнес муҳит яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлаш, унинг ишончли кафолатларини таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликка қўпроқ эркинлик бериш ва ривожлантиришга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ЎРҚ-327-сонли Конуни қабул қилинди.

**Оилавий тадбиркорлик** - оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий

корхонадир. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг иловаси янги таҳрирда баён қилиниб, 2017 йилдан 34 та (2017 йилгача 42 та) ҳунармандчилик фаолиятининг йўналиши, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхати белгиланган (2-и洛ва).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли Қарорига мувофиқ, 68 та ўзини ўзи банд қиласиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати белгиланди (и洛ва-3). Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгиланди.

Оилавий корхона қонун хужжатларида белгиланадиган тартибда солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўлайди. Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан сўнг унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади. Оилавий корхона акциз солиги тўланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга ошириши мумкин эмас.

Ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан “**бир дарча**” принципи бўйича ва қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун хужжатларида белгиланган тартибда “ягона дарча” марказларида амалга оширилади<sup>34</sup>.

Тадбиркорлик фаолиятининг куйидаги шакллари мавжуд: хусусий тадбиркорлик; жамоа тадбиркорлиги; фуқаролар гуруҳининг жамланма мулки асосида ташкил қилинган тадбиркорлик, аралаш тадбиркорлик, оиласий тадбиркорлик, битта юридик шахс ва бир неча жисмоний шахс мулкини бирлаштириш асосида ташкил қилинган тадбиркорлик, қўшма тадбиркорлик, икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар мулкини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинган тадбиркорлик ҳамда шартномавий тадбиркорлик.

Кичик тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил этиб, юридик шахс ташкил этмасдан, ёлланган меҳнатдан фойдаланиб ва ёлланган меҳнатдан фойдаланмасдан ташкил этилади.

Мулк шаклига кўра эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жамоа, қўшма, аралаш ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Умуман олганда кичик бизнес субъектлари ишчи ва хизматчилар сонига қараб микрофирма, кичик корхона ва йирик корхоналарга ажратилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича тўпланган тажриба Олий Мажлис томонидан “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилинишига олиб келди. Конунда белгиланишича, унинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин қатнашиши учун шароитлар яратиш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдан иборат. Шунингдек, 2020 йил

---

<sup>34</sup> Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини соликка тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари. Монография.–Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2017, -220 б.

1-январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси кичик бизнес ва тадбиркорларни солиққа тортишда асосий ҳуқуқий манбаа бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодчи А.Ботиров кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришда солиқ қонунчилигидаги бир-бирига зид бўлган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни қайта кўриб чиқиш, солиққа тортиш тизимини аниқлаштириш, хусусан, уни барча корхоналар учун тенг имконият бериш мақсадида соддалаштириш, солиқ юкининг турли худудлараро фарқ қилиш сабабларини чукур таҳлил қилган ҳолда уларни камайтириш имкониятларини топиш фикрларини билдирган<sup>35</sup>.

Кичик бизнеснинг моҳияти ва ташкилий ҳуқуқий асослари ҳақидаги мулоҳозаларимизни якунлаб умумий хулоса сифатида шуни қайд этишимиз мумкинки, кичик бизнеснинг моҳияти унинг бир қатор хусусиятлари: бозор конъюктурасига асосан тез мослашувчанлиги; янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликнинг олдини олиши; йирик бизнес субъектлари учун иқтисодий самарасиз соҳаларда фаолият қилиши аҳамиятлидир.

Бевосита кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг мезони хусусида ягона мезоннинг йўқлиги характерли бўлиб қолмоқда. Бизда бу ҳолат уларда ишловчилар сони миқдори асос қилиб олинган бўлиб, қўшимча мезон сифатида маҳсулот (хизмат, ишлар) реализация ҳажми ва асосий воситалар қийматини ҳам эътиборга олиш лозим деб ўйлаймиз.

## **1.2. Иқтисодиётни ривожлантириш ва тартибга солишда солиққа тортиш механизмининг назарий асослари**

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат барча иқтисодий усуллар, яъни пул-кредит, солиқ, бож, тариф ва айrim соҳаларда баҳони

<sup>35</sup> Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш ўйлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2012. - 23 б.; 30

шакллантириш каби механизмлардан кенг фойдаланади. Бу ўринда солиқларнинг муҳим молиявий дастак сифатида иқтисодий жараёнларга таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб етади. Шу нуқтаи назардан иқтисодиётни ривожлантириш ва тартибга солишда солиқ механизмининг аҳамиятини тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда сўнгги пайтларда солиқларнинг иқтисодиётнинг турли жабҳаларига ҳаётий таъсирини ўрганиш, шунингдек, молиявий бошқарувда улардан фойдаланиш таҳлилига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммони ўрганишда иқтисодчилар “солиқ механизми” тушунчасидан фойдаланадилар. Унинг талқини олимлар ва амалиётчиларнинг ишларида аниқ тўхтамга келинмагандир. Иқтисодий адабиётларда солиқ механизмининг моҳияти тўғрисидаги масала мунозарали давом этмоқда.

Қайд этиш жоизки, “солиқ механизми” ва “солиқ механизми элементлари” тушунчаси хусусида иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, ягона бир таърифга келинмаган. Солиқ механизмининг моҳиятини тўлароқ англаб этиш учун аввало ана шу турли хил фикрларни келтириш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ механизми - солиқка тортишнинг бошқарув усуллари ва ташкилий ҳуқуқий нормалар мажмуидир. Давлат солиқ механизмига ҳуқуқий шакл бериб, солиқ қонунчилиги орқали тартибга солади ва иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади<sup>36</sup>.

Солиқ механизмидан фойдаланиш самарадорлиги - солиқларнинг ички моҳияти, уларнинг ҳаракат қонуниятлари ва номувофиқлигини давлатнинг қандай ҳисобга олинишига боғлиқдир. Солиқ сиёсати ва солиқ механизми солиқларнинг жамиятдаги роли орқали белгиланиб, давлат фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир<sup>37</sup>.

<sup>36</sup> Вигман С. П. Шпаргалка: Финансы. Деньги. Кредит: учеб. пособие. - М.: ТК Велби, - 80 с.. 2005

<sup>37</sup> Вигман С. П.. Шпаргалка: Финансы. Деньги. Кредит: учеб. пособие. - М.: ТК Велби, - 80 с.. 2005

Профессор О.В.Качур - солиқ сиёсати солиқ механизми орқали амалга оширилади. Солиқ механизми - бу солиқ муносабатларининг усуллари ва қоидалари мажмуи бўлиб, улар ёрдамида солиқ сиёсати мақсадларини амалга ошириш таъминланади<sup>38</sup> деб таъкидлаган.

Рус тилининг изоҳли луғатида “механизм” сўзи “машина, асбоб, курилманинг ички қурилмаси (боғланишлар тизими) уларни ҳаракатга келтирадиган” деган маънони англатади. Демак, солиқ механизми бу давлатнинг солиқ сиёсатини юргизадиган солиқ муносабатларининг бўғинлари тизимиdir<sup>39</sup>.

Солиқ механизми молия механизми таркибида бўлиб, унинг таърифи турлича белгиланган. Иқтисодчи М.А.Данченко томонидан “солиқ механизми – солиқ муносабатларининг қоида ва усуллари йифиндиси ёрдамида солиқ сиёсати мақсадларига эришишни таъминлашдир” деб таърифлаган<sup>40</sup>.

Профессор С.В.Барулин фикрича, солиқ механизми – бу давлатнинг солиқ режалаштириш дастаклари ва усуллари, бюджетга солиқ тушумлари ижросини ташкил этиш, давлатнинг солиқлар воситасида тартибга солиш ва солиқ назорати, солиқ сиёсати стратегияси ва тактикаси бўйича солиқ қонунчилиги нормалари йифиндисидир<sup>41</sup>.

Иқтисодчи Е.С.Мураховская қуйидаги таърифни беради: “Солиқ механизми – бу маълум бир маконда (худудда) маълум бир вақтда ва аниқ мақсадларда (жамоат эҳтиёжларини таъминлаш) солиқ муносабатларидан фойдаланиш воситалари ва усуллари мажмуи бўлиб, солиқлар орқали ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир этишни ташкиллаштиришни ўз ичига олади”.

<sup>38</sup> Качур О.В.. Налоги и налогообложение : учебное пособие / О.В. Качур. — М. -2007: КНОРУС, - 304 с..

<sup>39</sup> Кузнецов С.А. Большой толковый словарь русского языка. СПБ: Норинт, 1998 г.

<sup>40</sup> Данченко М.А. Налогообложение: Учебное пособие, Томск 2012. Стр-14

<sup>41</sup> Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степанченко В.В. Налоговый менеджмент. М.: Издательский дом Омега-Л, 2007 г.стр-94.

Кўриниб турибдики, муаллиф солиқ механизми мазмунининг тарихий ва ҳудудий жиҳатларини тўғри қайд этган ҳолда, унинг моҳиятини тор кўриб чиқиб, фақат “солиқ муносабатларидан фойдаланиш”нинг ташкилий воситалари ва усулларига тўғри келишини таъкидламоқда. Фикримизча, солиқ механизми солиқ муносабатларидан фойдаланишни таъминламайди, балки уларни тартибга солиш имконини беради, десак тўғрироқ бўлади<sup>42</sup>. Фикримизча, солиқ механизми солиқ муносабатларидан фойдаланишни таъминламайди, балки уларни ташкил этиш ва тартибга солиш имконини беради, десак тўғрироқ бўлади.

Иқтисодчи И.В.Калашникова томонидан солиқ механизми нафақат солиқ муносабатларининг шакли ва усулларини, балки уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларидан ташкил этишини таъкидлаган. Миқдорий кўрсаткичларга солиқ ставкаси миқдори, солиқ имтиёзлари ҳажми, бюджет тушумлари, солиқ юки даражаси ЯИМга нисбатан, солиқ йигилувчанлик даражаси ва ҳ.к киради. Сифат кўрсаткичларига соликлар орқали тартибга солиш, жамиятнинг иқтисодий ривожланишига инвестицион сиёsatни ташкил этишга таъсири каби тушунчалар киритилган.<sup>43</sup>

Иқтисодчи Қ.Н.Тўхсанов фикрича, соликлар бўйича мавжуд солиқ механизмининг самарали фаолияти унинг функцияларига асосланган ҳолда хукумат томонидан юклangan вазифаларнинг ижроси орқали намоён бўлади. Миллий даромадларни тақсимлаш воситасида давлат бюджети даромадларини оптималь шакллантиришга йўналтирилган фискал вазифалар бевосита солиқ тўловчилар фаолияти тараққиётининг устувор йўналишларини рағбатлантиришга йўналтирилган иқтисодий вазифалар муштараклигида солиқ механизмининг самарали фаолияти таъминланади - деб таъкидлаган<sup>44</sup>.

<sup>42</sup> Мураховская Е.С. Налоги и сборы. М.: КОДЕКС; Проспект, 2000. С-57.

<sup>43</sup> И.В.Калашникова. Налоговый механизм и его влияние на экономику Российской Федерации. Международный научный журнал «инновационная наука» №10/2015, стр-59.

<sup>44</sup> Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқка тортишни такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2019.-36 б.

Профессор Н.Б.Ашуррова солиқ механизмининг муҳим бўлаги ҳисобланган солиққа тортиш механизми – солиқ тўловчилар учун белгиланган солиқ солиш тартиби бўйича солиқ солинадиган объектни аниқлаш, имтиёзларни қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқилган, солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб ўрнатилган ставкаларда, солиқ даврида бюджетга тўланадиган солиқ суммасини аниқлаш жараёнидир»<sup>45</sup>.

Профессор Ж.Ж.Урмонов тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солиш деганда – бу солиққа тортиш жараёнида солиққа тортиш тартибларини жорий этиш ёки бекор қилиш, солиқ ставкалари, солиқ объектлари ва солиқ базасини белгилаш, солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини таъминлаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларни тақдим этиш орқали қулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришdir - дея таъриф берган<sup>46</sup>.

Ўрганишларимиз кўрсатмоқдаки, иқтисодчи олимлар томонидан солиқ механизмига аниқ бир таъриф берилмаган бўлиб, иқтисодий лугатларда ҳам ушбу тушунчага таъриф берилмаган.

Фикримизча, солиқ механизми деганда – бу солиқ муносабатларининг усуллари ва қоидалари мажмуи бўлиб, солиқ механизми элементлари орқали солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиққа тортиш тартибларини жорий этиш ва солиқ маъмуриятчилиги орқали бюджетга солиқларни ундириш жараёнидир - дея таъриф берилиши мақсадга мувофиқdir.

Бундан ташқари солиқ механизми элементлари турлари ва таркиби бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида аниқ бир тўхтамга келинмаган ва мунозарали ҳолат ҳисобланади.

Солиқ механизми давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқ муносабатларининг йўллари ва усуллари мажмуи бўлиб, улар орқали солиқ

<sup>45</sup> Ашуррова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф.–Т.: 2018. – 72 б.

<sup>46</sup> Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент , 2018. 74 б.;

сиёсати амалга оширилади<sup>47</sup>. Солиқ механизмининг элементлари қуидагилардан иборат: солиқни режалаштириш, солиқни тартибга солиш ва солиқ назорати.

Солиқларни режалаштириш - солиқ тушумларини прогнозлашнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган тизимиdir. Солиқларни режалаштиришнинг асосий вазифалари солиқлар ва йиғимларнинг тушуми, солиқ солинадиган базанинг ўсиш омилларини таҳлил қилиш ва шу асосда режалаштирилган даврда турли даражадаги бюджетларга солиқ тушумлари ҳажмини аниқлашдан иборат.

Солиқни тартибга солиш солиқ-хуқуқий муносабатлари субъектлари манфаатларининг мувозанати, шу жумладан молиявий мақсадга мувофиқлигини, иқтисодий асосланганлиги, такрор ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш бўйича тезкор чора-тадбирлар тизимини назарда тутади.

Солиқларни тартибга солишнинг асосий усуллари ва услубларига ҳар хил турдаги имтиёзлар ва санкциялар киради; инвестицион солиқ кредити, солиқ ва йиғимларни кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва бошқалар.

Солиқ назорати - солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун хужжатларининг бажарилишини текшириш бўйича чора-тадбирлар мажмуидир<sup>48</sup>.

Давлатнинг иқтисодиётга аралashiшини, уни тартибга солиши лозимлигини асослаган кейнсчилик назарияси ва унинг асосчиси Джон Мейнорд Кейнс ўз навбатида солиқларни асосий тартибга солувчи восита деб қарайди ва солиқларнинг фискал аҳамиятига эътибор қаратилиши билан уларнинг тартибга солувчи аҳамияти ҳам ўрганила бошланди. Нобел мукофоти соҳиби Пол Самуэльсон ҳам солиқларга иқтисодиётни тартибга

<sup>47</sup> Агабекян О.В., Макарова К.С.. Налоги и налогообложение : учебное пособие. Часть 1 - М. : Издательский дом АТИСО, - 172 с.. 2009

<sup>48</sup> Агабекян О.В., Макарова К.С.. Налоги и налогообложение : учебное пособие. Часть 1 - М. : Издательский дом АТИСО, - 172 с.. 2009

солувчи ва рағбатлантирувчи асосий воситалардан бири сифатида қарайди<sup>49</sup>.

Классик олимлар У.Петти, Ж.Б.Сей ва инглиз иқтисодчилари Д.Рикардо, Ж.Мильлар иқтисодиётни самарали ва ўзини-ўзи бошқара олади деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича, талаб таклифни яратади, агар ишлаб чиқарувчилар кўпайиб кетишса улар ўзлари тақчил тармоқларга ўтишини, соликлар эса фақатгина бюджет даромадининг манбаи сифатидагина роль ўйнайди холос, деб ҳисоблашган<sup>50</sup>.

Неокейнсчилик йўналиши вакиллари бўлган Л.Харрот, Н.Кальдор, А.Хансенва, П.Самуэльсонлар соликлар иқтисодиётни тартибга солиш функцияси орқали солик ставкаларини ўзгартириш ва турли имтиёзлар бериш йўли билан амалга оширилишини таъкидланганлар<sup>51</sup>.



### 1.3-расм. Солик механизми элементлари<sup>52</sup>

Профессор О.В.Качур солик механизми элементларига режалаштириш, тартибга солиш ва назорат киради - деб таъкидлаган 1.3-расм<sup>53</sup>. Унинг фикрича соликни режалаштириш - реал иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда солик тушумларини прогнозлашнинг иқтисодий асосланган тизимиdir. Давлат даражасида соликни режалаштиришнинг роли солик тушумлари, солик солинадиган базанинг ўсиш тенденциялари ва омилларини

<sup>49</sup> Вахобов А., Жўраев А. Соликлар ва соликка тортиш. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2009,-448 б.

<sup>50</sup>Черник Д.Г. Налоги и налогообложение. Учебник - М.: МЦФЭР, 2006, - 528. С.

<sup>51</sup> Вахобов А., Жўраев А. Соликлар ва соликка тортиш. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2009,-448 б.

<sup>52</sup> Качур О.В.. Налоги и налогообложение : учебное пособие / О.В. Качур. — М. -2007: КНОРУС, - 304 с..

<sup>53</sup> Качур О.В.. Налоги и налогообложение : учебное пособие / О.В. Качур. — М. -2007: КНОРУС, - 304 с..

таҳлил қилиш ва шу асосда бюджетларга солиқ тушумлари ҳажмини аниқлаш билан белгиланади.

Солиқларни тартибга солиш - тақрор ишлаб чиқариш жараёнларига оператив аралашувнинг иқтисодий чоралари тизимиdir. Солиқларни тартибга солишнинг асосий вазифаси ташкилотларнинг ички ва ташқи фаолияти учун умумий солиқ мухитини яратиш, капитал оқимининг устувор тармоқ ва минтақавий соҳаларини рағбатлантириш учун имтиёзли солиқ шароитларини таъминлашдан иборат. Солиқларни тартибга солиш турли усуллар ва усулларда амалга оширилади. Масалан:

йўллари - имтиёзлар ва санкциялар;

усуллари - инвестицион солиқ кредити, кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш режаси, ўтказмалар ва бошқалар.

Солиқ назорати - солиққа тортиш соҳасида амалдаги натижаларни режалаштирилганига яқинлаштиришга қаратилган тузатиш чоратадбирларини амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш учун солиқ тушумларининг режалаштирилган миқдоридан четга чиқиш сабабларини таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуидир<sup>54</sup>.

Солиқ механизмини амалга ошириш ва тартибга солиш шакли солиқ қонунчилиги бўлиб, солиқ воситаларининг йиғиндисини белгилайди. Солиқ сиёсатини олиб боришда иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг иштироки солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ санкциялари, солиқ солинадиган база ва бошқалар каби солиқ воситалари ёрдамида амалга оширилади<sup>55</sup>.

Профессор И.А.Майбуровнинг таъкидлашича - солиқ механизми солиқларни белгилаш, жорий этиш ва ундириш, уларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ

---

<sup>54</sup> Качур О.В.. Налоги и налогообложение : учебное пособие / О.В. Качур. — М. -2007: КНОРУС, - 304 с..

<sup>55</sup> Майбуров И.А. и др.. Теория и история налогообложения. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: — 422 с.. 2011

хукуқбузарликлари учун жавобгарликка тортиш усулларига оид ўзига хос иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Солиқ механизмининг асосий вазифаси давлат солиқ сиёсатининг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тизимининг фаолияти самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Солиқ қонунчилиги молия қонунчилигининг бир қисми бўлиб, шунингдек, бюджет, валюта, банк, сугурта ва бошқалар киради. Солиқ қонунчилигининг шаклланишига фуқаролик, жиноий, маъмурий ва халқаро хукуқнинг катта таъсири мавжуд. Амалда дунёning барча мамлакатларида солиқлар ва уларнинг тизимини конституциявий белгилаш тамойили амал қиласди. Демак, мамлакатнинг асосий қонунида солиқقا тортишнинг асосий тамойиллари, масалан, солиқقا тортишнинг мунтазамлиги, солиқ тенглиги, солиқ тизимининг бирлиги, марказ ва ҳудудлар ўртасидаги солиқ хукуқларини чегаралаш кабилар орқали мустаҳкамланган<sup>56</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 123-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақлиги белгилаб қўйилган.

Солиқларни тўлаш мажбурийлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида асосланган. Ҳар бир шахс Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва унда назарда тутилган йиғимларни тўлаши шарт. Ҳеч кимга Солиқ кодексида назарда тутилмаган ёхуд унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмаслиги белгиланган<sup>57</sup>.

Юқорида “Солиқ механизми” тушунчасининг талқини ноаниқ эканлигини кўрдик. Шундай қилиб, Т.Ф.Юткина уни икки томонлама

<sup>56</sup> Майбуров И.А. и др.. Теория и история налогообложения. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: — 422 с.. 2011

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 8-моддаси

умумий назарий ва амалий мазмунга эга деб ҳисоблайди.<sup>58</sup>

Профессор Т.В.Юткина солиқ механизмининг функционал асослари сифатида солиқларни режалаштириш ва прогнозлаш, солиқлар орқали тартибга солиш ва солиқ назорати элементлари муҳим деб ҳисоблайди. Қаранг 1.4-расм<sup>59</sup>.



#### 1.4-расм. Солиқ механизмининг функционал асослари<sup>60</sup>

Умумий назарий позициялардан келиб чиқкан ҳолда, солиқ механизми солиқ назарияси соҳаси бўлиб, бу тушунчани қайта тақсимлаш муносабатларини бошқариш учун объектив зарур жараён сифатида изоҳлайди, уни солиқни режалаштириш ва прогнозлаш, солиқни тартибга солиш ва солиқ назорати каби тизимларга бўлиш мумкин.

Амалий нуқтаи назардан, солиқ қонунчилиги қоидаларини амалда қўллаш солиқни режалаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишнинг

<sup>58</sup> Юткина Т.В. Налоги и налогообложение: Учебник. М.: ИНФРА-М, 2001.

<sup>59</sup> Юткина Т.В. Налоги и налогообложение: Учебник. М.: ИНФРА-М, 2001.

<sup>60</sup> Юткина Т.В. Налоги и налогообложение: Учебник. М.: ИНФРА-М, 2001.

концептуал жиҳатдан белгиланган соҳаларига ўзига хос тузатишлар киритганлиги сабабли солик механизми аниқ солик ҳаракатларининг мажмуи сифатида қаралади. Ҳар бир амалий ҳаракатда солик назариясининг асосий фундаментал талаби – соликқа тортиш жараёнининг субъектив ва объектив бошланиши ягона яхлит бўлиши кераклиги учун қонунда белгиланган қоида ва меъёрларга амал қилиш муҳимлиги таъкидланган<sup>61</sup>.

Солик механизмининг ички мазмунини бюджет даромадларини шакллантириш, солик тушумларини бюджетнинг турли даражалари ўртасида қайта тақсимлаш жараёнида ривожланадиган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади. Бу муносабатларнинг асосини бошқа ҳуқуқ соҳалари қатори солик ҳуқуқи ва молия ҳуқуқини ташкил қиласди. Солик механизми муаммосини кўриб чиқиб, Т.Ф. Юткина ўз асарларида иккита хulosса чиқаради.

Солик механизмини факат соликларни ундириш жараёнига давлатнинг оператив аралашуви, шунингдек, солик қонунчилигига риоя қилишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни кўриш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш қонунга хилофдир. Бундай ёндашув билан солик механизми ўзининг объектив хусусиятини йўқотади ва пул ресурсларини соф субъектив қайта тақсимлаш дастагига айланади. Солик механизмидаги иккита бошланғич - объектив ва субъектив - органик бир бутунликни ташкил қиласди, уларнинг мувозанатини бузиш мумкин эмас.

Иқтисодчи Е.Ю.Жидкова фикрича солик механизми - солик муносабатларининг усуллари ва қоидалари мажмуи бўлиб, улар ёрдамида солик сиёсатининг мақсадларига эришилади деб таъкидлаган. Солик сиёсати солик механизми орқали амалга оширилади. Шунингдек, солик механизми

---

<sup>61</sup> Юткина Т.В. Налоги и налогообложение: Учебник. М.: ИНФРА-М, 2001.

элементларига режалаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишни киригтан<sup>62</sup>.

Прфессор Н.Г.Дмитриева ва Д.Б. Дмитриевлар солиқ механизми - бу турли устки тузилмалар тизими (солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиққа тортиш усуллари) орқали солиққа тортишни давлат томонидан бошқаришининг ташкилий-ҳуқуқий нормалари, усуллари ва шакллари мажмуудир<sup>63</sup> деб таърифлаган.

Функционал мазмун нуқтаи назаридан солиқ механизмига қўйидагича таъриф берилган. Солиқ механизми - давлатнинг барча қонун ҳужжатлари арсеналининг маҳсус ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинадиган, ўзаро таъсир қилувчи учта молиявий ва бюджет фаолият соҳалари мажмуи бўлиб, у субъектларнинг режалаштирилган, амалда бажарилган ва прогноз қилинадиган солиқ мажбуриятларини белгилаш, баҳолашни белгилайди. Солиқ ҳуқуқий муносабатлари (солиқни режалаштириш), рағбатлантирувчи хусусият сифатида мамлакат бюджетларини ижро этиш жараёнига жорий аралашувнинг илмий асосланган чораларини кўриш (солиқни тартибга солиш) ва солиқ қонунчилиги нормалари бузилган тақдирда жазо чоралари (солиқ назорати).

Солиқ механизми нафақат солиқ муносабатларини ташкил этиш шакллари ва усулларини, балки уларни миқдор ва сифат жиҳатдан аниқлаш усулларини ҳам ўз ичига олади. Солиқ механизмининг миқдорий параметрларга эга бўлган элементларига ставкалар, солиқ имтиёзлари ҳажми, солиқ юки, солиқларни ундириш даражаси ва бошқалар киради.

Солиқ механизмининг сифат параметрларига эга бўлган элементларига солиқларни тартибга солиш самарадорлиги, солиқларнинг бутун жамиятнинг

---

<sup>62</sup> Жидкова Е. Ю.. Налоги и налогообложение: учеб. пособие. — 2-е изд., перераб. и доп. — М. : Эксмо, — 480 с. — (Новое экономическое образование).. 2009 г.

<sup>63</sup> Дмитриева Н.Г., Дмитриев Д. Б.. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: Учебник для вузов. — Ростов н/Д: Феникс, — 512 с. (Серия «Высшее образование»).. 2004

иқтисодий ривожланишига ва инвестиция сиёсатини олиб боришга таъсири, тадбиркорликни ривожланиши ва бошқа тушунчалари киради.

Юқорида солиқ механизми таркибиға киравчи унинг элементлари туралари бўйича олиб борган ўрганишларимиз кўрсатмоқдаки, иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинган, бир тўхтамга келинмаган ва мунозарали бўлиб турибди.

Фикримизча, солиқ механизми элементлари таркибиға солиқ маъмуриятчилигини киритиш мақсадга мувофиқдир. Солиқ маъмуриятчилигининг асосий вазифаси солиқларни ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ йиғилувчанлигини ошириш, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда солиқ муносабатларини бошқариш тизимиdir.

Шундай қилиб, солиқ механизми элементлари таркибиға солиқларни режалаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати ва солиқ маъмуриятчилигини киритиш мақсадга мувофиқдир. Қаранг 1.5-расм.



**1.5-расм. Солиқ механизмининг элементлари<sup>64</sup>**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқларнинг механизми қандай даражада ишлиши мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсати билан боғлиқдир. **Солиқ сиёсати** - давлатнинг солиққа тортиш тизими борасидаги

<sup>64</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

фармон, қонун ва қарорларини давлат иқтисодий сиёсатига мос равища ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлашни ташкил қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар, фаолиятлар йифиндисидир<sup>65</sup>.

Иқтисодчи Ш.Тўраев фикрича, иқтисодиётда солиқ юки кўрсаткичининг зарурияти мазкур кўрсаткични ҳисоблаш ва аниқлаш давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишида фойдаланишида намоён бўлади. Мамлакатда солиқ юки солиққа тортиш базаси ва иқтисодиётга солиқларнинг таъсири баҳоланишида фойдаланилади<sup>66</sup>.

Ҳозирги даврнинг солиқ сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “**Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари**” тамойили асосида, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.<sup>67</sup> Жумладан, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, бизнес муҳитини ва зарур инфратузилмани яратиш бўйича ислоҳотларни давом эттириш каби вазифалар белгилаб берилди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги тўсик бўлган энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган **7 та** муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди. Солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш, тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш,

---

<sup>65</sup> Яхёев К.А.Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик.–Т.: «Фан ва технологиялар маркази», 2003. - 247. б.

<sup>66</sup> Тўраев Ш.Ш. Иктисолиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ДБА, 64 б.

<sup>67</sup> Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқи.2021 йил 6 ноябрь

хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёсатни қатъий давом эттириш каби масалалар шулар жумласидан<sup>68</sup>.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг хуқукий асоси бўлиб Солик кодекси ҳисобланади. Маълумки, Солик кодекси бир неча бор қабул қилинган ва янгиланган.

**Хусусан, биринчи босқич:** Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг илк хуқукий асослари шакллантирилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу даврда Солик кодексидан ташқари турли йўриқнома ва низомлар ҳам амал қилган.

**Иккинчи босқич:** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси қабул қилинди. 2008 йилдан янги таҳрирда қабул қилинган Солик кодексида тадбиркорлар учун солик солишнинг соддалашган тартиби (ягона солик тўлови, ягона ер солифи ва қатъий белгиланган солик) ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш механизмларининг хуқукий асослари мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур даврда, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг ролини тубдан ошириш, уларни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, бу борада назорат органларининг масъулияти ва жавобгарлигини кескин кучайтириш хамда тадбиркорликка қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даври деб аташ мумкин<sup>69</sup>.

**Учинчи босқич:** солик ислоҳотининг **еттинчи босқичи** 2019 йилдан ҳозирги қунгача бўлган даврда солик юкини камайтириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солик маъмуриятчилиги шаффофлигини ошириш йили

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4596>

<sup>69</sup> Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солик механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқт. фан. док. ... диссертация. – Тошкент, 2018. 62 б.;

бўлиб, солиқ тизимида туб ўзгаришларга эга бўлди. Хусусан, 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Конуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ, 2020 йил 1 январдан амалдаги 13 та турдаги солиқлар турлари 4 тага қисқартирилиб 9 тага камайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси **2** та (умумий ва маҳсус) қисм, 21 бўлим, 72 боб ва 483 та моддадан иборатdir. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш бўйича қуидаги тартиблар белгиланди:

- кичик тадбиркорлик субъектлари товар айланмаси ҳажмидан келиб чиқиб, аввалги ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан олинадиган солиқ жорий этилди. Бунда, жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар ва даромади 100 млн. сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси бўлиши белгиланди
- 2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб қўшилган қиймат солифи бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммани, яъни “манфий” қолдиқ суммасини тўлиқлигicha қайтариш тартиби жорий этилди;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солифининг асосий ставкаси 12 фоиз ва ККС ставкаси 15 фоиз этиб белгиланди;
- солиқларни тўлашни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишнинг янги тартиби жорий этилди;
- хўжалик субъектларини хавфлилик даражасига 42 та мезонлар асосида таҳлика-таҳлил (Риск-анализ) дастури ёрдамида 3 та сегментга (яшил, сарик ва қизил йўлакларга) ажратиш ҳамда камчиликлар аниqlangan тақдирда, солиқ назоратининг янги камерал текширув, сайёр текширув ва солиқ аудити ўтказиш тартиби жорий этилди;
- якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқ

суммаси ўртача 30 фоизга камайтирилиб, уларга солиқларни тўлаш бўйича танлаш хуқуки берилди. Хусусан, улар солиқни қатъий белгиланган миқдорларда тўлаши ёхуд жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларация асосида тўлаш имконияти берилди;

– ижтимоий солиқ ставкаси давлат корхоналарига, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга, шунингдек устав фондида 50 ёки ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган юридик шахсларга ва уларнинг таркибий бўлинмаларига нисбатан 25 фоиздан 12 фоизгacha пасайтирилди;

– ҳисобварак-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш жорий этилди ва Солиқ кодексида ҳам ҳисобварак-фактуралар қоида тариқасида электрон шаклда бўлиши белгиланди ва бошқалар.

Республикада шаклланган солиқ сиёсати “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли борилмоқда<sup>70</sup>” деган принцип асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шуни эътироф этиш жоизки, иқтисодий дастаклардан бири бўлган солиқ механизми орқали уларнининг фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг ушбу параграфида солиқлар механизмининг иқтисодий моҳияти, солиқ механизми элементлари ва солиқ маъмуриятчилигини аҳамиятини илмий тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик. Диссертациянинг кейинги параграфида Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш босқичлари ва миллий иқтисодиётда тутган ўрнини таҳлил этилган ҳолда ўрганиб чиқилади.

---

<sup>70</sup> Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

### **1.3. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш босқичлари ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни.**

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. У мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг йирик ва мураккаб муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган локомотив ролини бажаради.

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради. Президент Ш.Мирзиёев тадбиркорликни ривожлантиришда - “Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак” - деб таъкидлаган<sup>71</sup>.

Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солик ва кредит имтиёzlари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чукурлаштиришни ҳам ўз ичига олади<sup>72</sup>. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2020, 24 январь.

<sup>72</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганининг 18 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2010, 10 декабр.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”<sup>73</sup>.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасида бўлиши унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушки ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2000-2021-йиллар бўйича солиштирилганда ўсиш суръатларини 1.6-расмда кўришимиз мумкин.



**1.6-расм. Ўзбекистонда кичик бизнесни мамлакат ЯИМ даги улушки(%)<sup>74</sup>**

<sup>73</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис Палаталарининг Кўшма Мажлисидаги нутки. – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2016, 14 декабр.

<sup>74</sup> ЎзР Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги 1.7-расм маълумотларидан кўринадики, 2000 йилда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 31,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2015 йилда 56,7 фоизни ва 2021 йил якуни бўйича 54,9 фоизни ташкил этган ёки 2000 йилга нисбатан 24,9 фоиз пунктга ошган. Таъкидлаш жоизки, энг юқори кўрсаткич 2018 йилда ЯИМнинг 60,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 54,2 фоизни ёки 6,3 фоиз пунктига камайган. Шунингдек, 2021 йилда қисман ўсиш кузатилиб 54,9 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолатни 2019 йилда бошланган глобал инқироз ва пандемиянинг бевосита таъсири билан изоҳлашимиз мумкин.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси учинчи йўналишида “макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш” каби чора-тадбирлар белгиланган<sup>75</sup>.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат

---

<sup>75</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.<sup>76</sup>

Ўзбекистон Республикасида самарали тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада **1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди**. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида **16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди**. Ўтган бир йил давомида лицензия ва руҳсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди. Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда **500 минг нафар** фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди<sup>77</sup>.

“Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тарақкий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, **тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислоҳотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир**”<sup>78</sup>.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг “**Бизнесни юритиш**” халқаро рейтингида Ўзбекистон беш йил ичida **141-ўриндан 69-ўринга қўтарили**ди. Бу бизнинг мамлакатимизга ишбилармонлик мухитини яхшилашда энг катта ютуқларга эришган **20 та мамлакат** қаторига кириш имконини берди.

<sup>76</sup> Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.” – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 15 январ.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутки.

<sup>78</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутки.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни 2000-2021 йиллардаги иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улушининг ўзгариши ва ривожланиши таҳлил қилинди (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал


#### **Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улushi<sup>79</sup>**

Т/Р	Кўрсат-кичлар	Йиллар (%)								
		2000	2005	2010	2015	2017	2018	2019	2020	2021
1.	ЯИМ	31,0	38,2	52,5	56,7	53,3	60,5	54,2	53,9	54,9
2.	Саноат	12,9	10,0	18,8	40,6	39,6	37,4	25,8	27,5	27,0
3.	Қишлоқ хўжалиги	73,6	85,7	97,8	98,1	99,0	98,1	97,9	97,0	96,9
4.	Инвестиция	15,4	24,0	28,5	35,8	32,0	34,9	44,3	49,7	56,7
5.	Қурилиш	38,4	50,9	53,1	66,7	65,1	73,2	75,8	72,4	72,4
6.	Савдо	74,1	88,2	85,1	87,1	88,4	86,3	83,7	83,2	82,5
7.	Жами хизматлар	37,0	52,5	45,7	55,6	58,4	56,0	53,2	51,5	51,7
8.	Юк ташиш	6,7	24,6	41,6	53,7	55,7	54,4	54,4	52,4	38,9
9.	Юк айланмаси	25,8	59,7	76,6	83,7	77,9	79,6	76,5	76,2	68,5
10.	Йўловчи ташиш	30,0	65,7	79,4	87,3	90,1	90,8	90,4	93,9	93,1
11.	Экспорт	10,2	6,0	13,7	26,0	27,0	27,2	27,0	20,5	22,3
12.	Импорт	27,4	33,7	35,8	44,5	46,7	56,2	61,6	51,8	48,7

1.1-жадвал маълумотларнинг кўрсатишича, кичик бизнеснинг саноатдаги улушки 2000 йилда 12,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 37,4 фоизни ёки 2000 йилга нисбатан 24,5 фоиз пунктга ошган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам кичик бизнесни улушки 2000 йилга нисбатан 24,5 фоиз пунктнига ошганлиги, шунингдек қурилиш ва инвестиция соҳаларини улушки деярли икки баробарга ўсган. Хизматлар соҳасида ҳам сезиларли ўсиш кузатилиб, 2018 йилда 56 фоизни ёки 2000 йилга нисбатан 19 фоиз пунктнига, аҳоли бандлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 2000 йилдаги 49,7 фоиздан 2018 йилдаги 74,5 фоизга

<sup>79</sup><http://www.stat.uz> -Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ўсишига эришилди<sup>80</sup>. Бироқ, ушбу кўрсаткичларнинг тенденцияси 2019-2021 йилларда пасайиш кузатилиб бевосита пандемиянинг таъсири билан ўзгарган.



### 1.7-расм. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидағи улуши<sup>81</sup>

1.7-расм маълумотларини таҳлил қиласақ, кичик бизнеснинг мамлакат экспортидағи улуши 2000 йилда 10,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 22,3 фоизни ёки икки баробарга кўпайгани, шунингдек саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 2000 йилдаги 12,9 фоиздан 2021 йилга келиб 27,0 фоизни ташкил этиб, 14,1 фоиз пунктига ўсган. Қурилиш соҳасида ҳам сезиларли даражада ўсиш кузатилиб, 2000 йилга нисбатан 2021 йилда 34 фоиз пунктига ошган. Бироқ, ушбу кўрсаткичлар 2018 йилга нисбатан камайганини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида, глобал инқироз ва пандемиянинг таъсири билан изохлашимиз мумкин.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар

<sup>80</sup> <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

<sup>81</sup> <http://www.stat.uz> -Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиши автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса ахоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.




**1.8-расм. Фаолият кўрсатаётган ҳамда янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ўзгариш кўрсаткичлари (мингта)<sup>82</sup>**

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 419,5 мингтани ташкил этиб, улардан 398,1 мингтаси ёки 94,9 % фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 80,5 мингтага ёки 23,7 %га ошганлигини кўриш мумкин. 2019 йил давомида республикамизда 96,7 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41,7 мингтага кўпдир. 2020 йилда эса пандемиянинг таъсирида ушбу кўрсаткич 1432 тага камайиб, 65311 тани ташкил этган.

<sup>82</sup> <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва 2016-2020 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида тузилди

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 96,7 мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 мартаға қўпдир. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 60,8 мингта, хусусий корхоналар 18,6 мингта, оилавий корхоналар 13,2 мингта, муассасалар 2,8 мингта ва бошқалар 1,3 мингтани ташкил этди.

Энди юқоридаги маълумотларига таяниб мамлакат миқёсида фаолият кўрсатаётган ва фаолият олиб бораётган микрофирмалар ва кичик корхоналар сони тўғрисидаги умумий кўрсаткичлар таҳлилига тўхталамиз (1.9-расм).



**1.9-расм. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар сонининг ўзгариш динамикаси(мингта)<sup>83</sup>.**

1.9-расм маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2017 йилда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони 58322 тани ташкил этган бўлса, 2021

<sup>83</sup> <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва 2016-2020 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида тузилди

йилга келиб икки баробарга ошиб 107734 тани ташкил этган. Шунингдек, 2017 йилда фаолият кўрсатаётган микрофирмалар сони 38256 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга 71882 тани ёки 2017 йилга нисбатан 33626 тага кўпайганини кўришимиз мумкин.

## 1.2-жадвал

### **Кичик бизнес субъектларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини белгиловчи кўрсаткичлар<sup>84</sup>.**

<b>Йиллар</b>	<b>Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналар (мингта)</b>	<b>Кичик бизнесда аҳоли бандлиги (%)</b>	<b>Кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сони (минг)</b>	<b>Кичик бизнесда янги ташкил этилган иш ўринлари (минг)</b>	<b>Хар 1000 кишига кичик бизнес субрини тўғри келиши та</b>
<b>2000</b>	24546	49,7	4467,1	324,5	6,4
<b>2005</b>	28795	64,8	6602,5	434,2	10,3
<b>2010</b>	24542	74,3	8643,9	480,0	11,6
<b>2015</b>	26900	77,9	10170,4	598,4	18,1
<b>2017</b>	38167	78,3	10587,7	373,3	12,2
<b>2018</b>	48922	74,5	12700,1	450,0	13,2
<b>2019</b>	92874	77,6	11850,2	524,3	13,3
<b>2020</b>	93214	73,8	12343,5	560,4	15,6
<b>2021</b>	98886	74,4	13397,5	710,2	16,5

1.2-жадвал маълумотларнинг кўрсатишича, 2000 йилда кичик бизнесда аҳоли бандлиги 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 24,7 фоиз пунктига ошиб 74,4 фоизни ташкил этган. Кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сони 2000 йилда 4467,1 мингтани ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 13397,5 минг ёки 2000 йилга нисбатан 8930,4 мингтага кўпайган ёки 3,4 баробарга ошган. Шунингдек, аҳолининг ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони 2000 йилда 6,4 тага тўғри келган бўлса, 2021 йилда 16,5 та ёки 2,5 баробарга ошган.

Эндиликдаги вазифамиз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарни худудлар кесимидағи таҳлилини амалга оширамиз (1.3-жадвал).

<sup>84</sup> <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва 2000-2020 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида ҳисоб китоблар.

**1.3-жадвал.**

**Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар сони тўғрисида маълумот  
(худудлар кесимида)<sup>85</sup>**

№	Худудлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
		Микро- фирма	Кичик корхона								
1	Қорақалпоғ. Рес.	1 962	2 095	2 235	2 386	2 943	3 142	3 434	3 666	3 866	4 409
2	Андижон вилояти	2 417	3 952	2 752	4 501	3 625	5 928	4 229	6 916	4 761	8 317
3	Бухоро вилояти	596	3 131	679	3 566	894	4 697	1 043	5 480	1 174	6 590
4	Жиззах вилояти	2 301	2 693	2 620	3 067	3 451	4 040	4 026	4 713	4 532	5 668
5	Қашқадарё вилояти	3 222	3 372	3 669	3 840	4 833	5 058	5 638	5 901	6 347	7 096
6	Навоий вилояти	1 690	2 065	1 925	2 351	2 535	3 097	2 958	3 613	3 330	4 345
7	Наманган вилояти	1 707	3 264	1 944	3 717	2 560	4 896	2 987	5 712	3 362	6 869
8	Самарқанд вилояти	3 054	5 328	3 478	6 068	4 581	7 992	5 345	9 324	6 017	11 213
9	Сурхондарё вилояти	2 997	1 948	3 413	2 219	4 495	2 922	5 244	3 409	5 903	4 100
10	Сирдарё вилояти	595	1 319	677	1 502	892	1 978	1 041	2 308	1 172	2 776
11	Тошкент вилояти	3 126	5 670	3 560	6 458	4 689	8 505	5 471	9 923	6 159	11 933
12	Фарғона вилояти	1 273	4 755	1 450	5 416	1 910	7 133	2 228	8 322	2 508	10 008
13	Хоразм вилояти	3 101	1 750	3 532	1 993	4 652	2 625	5 427	3 063	6 109	3 684
14	Тошкент шаҳри	5 550	9 866	6 321	11 237	8 325	14 799	9 713	17 266	10 934	20 764
<b>ЖАМИ</b>		<b>33 591</b>	<b>51 209</b>	<b>38 256</b>	<b>58 322</b>	<b>50 386</b>	<b>76 814</b>	<b>58 784</b>	<b>89 616</b>	<b>66 173</b>	<b>107 771</b>

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.


1.3-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2020 йилда республикада фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг асосий салмоғи Тошкент шаҳри 19,2 фоиз, Тошкент вилояти 11 фоиз, Самарқанд вилояти 10,4 фоиз ва Фарғона вилоятида 9,2 фоизни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси 4,0 фоиз ва Хоразм вилояти 3,3 фоизни ташкил этмоқда. Таъкидлаш жоизки, Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, 2022 йил 1 январдан қўшимча солиқ имтиёзлари берилди. Хусусан, 2031 йил 1 январгача Мўйноқдаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидағи тадбиркорлар учун фойда ва даромад солиғи, айланмадан олинадиган ва ижтимоий солиқлар 1 фоиз, шунингдек мол-мулк, ер ва сувдан фойдаланганлик учун солиқ 1 фоиз этиб белгиланди.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни бекиёсdir. Хусусан, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ошиб бориб, 2020 йил якунлари бўйича 53,9 фоизни ташкил этди. Бунда кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар хажмининг жадал суръатларда ошиши ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2016 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 48,3 трлн. сўмни ташкил этди (1.10-расм).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2000 йилда тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 98,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида тижорат банклари томонидан 2009 йилда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди<sup>86</sup>.

<sup>86</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент.: «Ўзбекистон», 2010. - 43 б.

Шунингдек, 2017 йилда кичик бизнес субектларига ажратилган кредитлар ҳажми 19600,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 200 баробарга ошганини кўришимиз мумкин.



**1.10-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўм<sup>87</sup>**

Мамлакатимиз банклари орқали 2020 йилда ажратилган микрокредитлар 10194,3 млрд. сўмни, оиласидаги тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 6078,5 млрд.сўм, шундан ахолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 3602,1 млрд.сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 5 959,8 млрд.сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 4895,9 млрд.сўм, хорижий кредит линиялари хисобидан (млн. АҚШ доллари) 2139,0<sup>88</sup> ажратилган.

Карантин қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида ахолининг кредитлар бўйича навбатдаги тўлов муддатларини узайтириш банклар томонидан шартномаларга бир томонлама ўзгартириш киритиш

<sup>87</sup> <https://www.cbu.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маълумотлари 2000-2020 йиллардаги Монетар сиёсатга бағишланган йиллик хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени. Тошкент, 2020 йил (pdf)

орқали амалга оширилди<sup>89</sup>.

2020 йилнинг 1 октябрига қадар банклар томонидан жами **2,2 млн.** та шартнома бўйича **26,6 трлн.** сўмлик, шундан **105** мингта тадбиркорлик субъектларининг **21,4 трлн.** сўмлик ва **2,1 млн.** нафар фуқаронинг **5,1 трлн.** сўмлик кредит тўлови муддатлари узайтирилди (*кредит портфели маркибида муддати узайтирилган кредитлар қолдиги 43 фоизни ташкил этган*). Бунда мазкур кредит тўловлари бўйича узайтириш устувор равишда меҳмонхона, транспорт ва логистика хизматлари соҳасига ҳамда асосий ҳамкорлари коронавирус тарқалиш даражаси юқори бўлган давлатларда бўлган корхоналарга қаратилди.

Карантин чоралари оқибатида қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларининг рўйхати шакллантирилди ва пул оқимлари асосида уларнинг молиявий ҳолатининг ўзгариши кунлик мониторингга олинди. **Пул тушуми кескин камайган** тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида банклар томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун **31 трлн.** сўмдан ортиқ қисқа муддатли кредитлар ажратилди.

2020 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар натижасида жами **204** мингта тадбиркорлик субъектларининг пул тушумлари карантинга қадар бўлган даврдаги ҳажмга етказилган ҳолда тикланди. Натижада, корхоналар пул тушумларининг тикланиш даражаси **94** фоизга етди.


2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташабbusларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 281 мингдан ортиқ лойиҳага жами **48,4 трлн.** сўм кредит маблағлари ажратилди.

Оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида

---

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида хисоботи. Тошкент 2021 йил. (pdf)

сўнгги 3 йил давомида жами **15,7** трлн. сўмдан кўп имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу орқали **633** мингдан зиёд оилалар тадбиркорликни йўлга кўйиб, даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди. Бошқача қилиб айтганда, республика бўйича ўрта ҳисобда **ҳар минг хонадоннинг 94** таси ушбу дастурлар доирасида ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйди.



**1.11-расм. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитларнинг мақсадлари бўйича тақсимланиши, млрд.сўм**

2020 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **215** мингта лойиҳага жами **6,1** трлн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Жумладан:

- “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида **184** мингга яқин аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жами **4,8** трлн. сўм;
- хунармандчиликни ривожлантириш, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини кенгайтириш, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар доирасида **2 5** мингга яқин лойиҳаларга **785,7** млрд. сўм;
- ёшларнинг бизнес ташабbusлари ва лойиҳаларини молиявий қўллаб-

кувватлашга “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси маблағлари ҳисобидан **1 818** та лойиҳага **427,8 млрд. сўм**;

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш мақсадларига Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фонди ҳисобидан **4 615** та лойиҳага **95,7 млрд. сўм** миқдорида кредитлар берилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитларнинг **2,5 трлн. сўми (41 фоизи)** юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, **3,6 трлн. сўми (59 фоизи)** ўзини-ўзи банд қилувчи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Коронавирус пандемияси сабабли молиявий қийинчиликка дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш мақсадида уларнинг дастурлар доирасидаги **1,1 трлн. сўмлик** кредитларининг тўлов муддати 6 ойга (2020 йил 1 октябрга қадар) узайтирилди.

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг **1,3 трлн. сўми** чорвачиликни ривожлантиришга, **1,9 трлн. сўми** ишлаб чиқариш соҳаларига, **1,3 трлн. сўми** иссиқхона ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳамда **2,6 трлн. сўми** паррандачилик, боғдорчилик, қуёнчилик, ҳунармандчилик каби мақсадлар учун йўналтирилди:

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида ажратилган кредитлар бўйича **144,9 млрд. сўм (1,5 фоиз)**, “Ёшлар – келажагимиз” дастури асосида ажратилган кредитлар бўйича **7,3 млрд. сўм (0,5 фоиз)**, “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб қувватлаш жамғармаси” ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **4,3 млрд. сўм (1,4 фоиз)**, “Бандликка қўмаклашиш жамғармаси” ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **1,7 млрд. сўм (1,6 фоиз)** ва “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” бўйича **14,6 млрд. сўмни (2,3 фоиз)** ташкил этган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва

тадбиркорликнинг ривожланиши давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифасидир. Бозор иқтисодиётiga ўтиш корхоналар фаолиятида кескин ўзгаришларга олиб келди. Корхонанинг асосий мақсади - ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойдани максималлаштириш, янги бозорларни эгаллашдан иборат.

Юқорида келтирилган ўнта муҳим кўрсаткичлар орқали кичик бизнес ва тадбиркорлик миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим таянчи ва асосига айланган ҳолда, умумий қўринишда, мазкур соҳада йилдан-йилга юксалиш ва тараққиёт юз бераётганлигини кўриш мумкин. Хусусан, аҳоли бандлиги сони ва улуши, жами корхоналар сони ва ялпи ички маҳсулотдаги улуши каби кўрсаткичларнинг йил сайин ижобий натижаларни қайд этиши бунинг ёрқин далилидир.

Умумий хулоса қилсак, республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарида банд бўлганлар сонининг ўсиш тенденцияси ҳам кузатилмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, янги иш ўринлари яратища кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг аҳамияти юқоридир.

Қонунчилик базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бир усули бўлиб, унинг шаклланиши кўп жиҳатдан олиб борилаётган солик сиёсатига ва тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантирувчи соликларга боғлиқдир.

Тадқиқотимизнинг ушбу параграфида кичик бизнеснинг моҳияти ва ташкилий ҳуқуқий асослари ҳақидаги мулоҳозаларимизни якунлаб, умумий хулоса сифатида қайд этишимиз мумкинки, кичик бизнеснинг моҳияти унинг бир қатор хусусиятлари: бозор конъюктурасига асосан тез мослашувчанлиги; янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликнинг олдини олиши; йирик бизнес субъектлари учун иқтисодий самарасиз соҳаларда фаолият олиб бориши; миллий анъаналарни ўзида сақлаган ҳолда авлодларга етказиши ва

шу кабилар орқали очиб берилади.

Юқорида баён этилганлардан шундай хуросага келиш мумкинки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-хуқуқий асоси яратилган бўлиб у мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши талабларидан келиб чиқсан ҳолда доимий равишда такомиллаштирилиши лозимдир.

## 1-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Диссертациянинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқса тортишнинг назарий ва хуқуқий асосларини ўрганиш юзасидан қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Қонунчилик базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бир усули бўлиб, унинг шаклланиши кўп жиҳатдан олиб борилаётган солик сиёсатига ва тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантирувчи солиқларга боғлиқдир.

Янги тараққиёт стратегиясига мувофиқ, тадбиркорликни ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, солиқса тортишни соддалаштириш, солик юкини камайтириш, солик маъмуриятчилигининг шаффоғлигини ошириш ва қўшимча солик базасини кенгайтириш орқали солик тушумларини ошириш мамлакат солик сиёсатининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Тадқиқот натижаларидан хуроса қилиб айтиш мумкинки, турли даврларда олимлар томонидан бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларига турлича таърифлар берилган бўлиб, ягона бир таърифга тўхталмаган. Фикримизча, тадбиркорлик бизнесдан фарқ қилиб, **тадбиркорлик** –

тадбиркорлик фаолияти натижасида даромад олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир. **Бизнес** эса унга нисбатан кенг тушунча бўлиб, якуний ҳаракати киритган капитали ҳисобига фойда олиш нуқтаи-назаридан юритилувчи фаолиятдир.

Бевосита кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг мезони хусусида ягона мезоннинг йўқлиги ҳарактерли бўлиб қолмоқда. Бизда бу ҳолатда уларда ишловчилар сони асос қилиб олинган бўлиб, қўшимча мезон сифатида маҳсулот (хизмат, ишлар) реализация ҳажми ва корхона активлари қийматини ҳам эътиборга олиш лозим деб ўйлаймиз.

Ўрганишларимиз кўрсатмоқдаки, иқтисодчи олимлар томонидан “солиқ механизми” тушунчаси моҳияти ва “солиқ механизми элементлари” турлари ва таркиби бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида аниқ бир тўхтамга келинмаган ва мунозарали ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, солиқ механизми – солиқ муносабатларининг усуллари ва қоидалари мажмуи бўлиб, солиқ механизми элементлари орқали солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиққа тортиш тартибларини жорий этиш ва солиқ маъмуриятчилиги орқали бюджетга солиқларни ундириш жараёнидир - дея таъриф берилиши мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, солиқ механизми элементлари таркибига солиқларни режалаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати ва солиқ маъмуриятчилигини киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, солиқ маъмуриятчилигининг асосий вазифаси солиқларни ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ йиғилувчанлигини ошириш, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда солиқ муносабатларини бошқариш тизимидир.

Диссертациянинг кейинги бобида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизми таҳлили ва солиқларнинг молиявий фаолиятга таъсирини таҳлил қиласиз.

## **П. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ.**

### **2.1. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати таҳлили.**

Ўзбекистонда йилдан-йилга тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Давлат солиқ қўмитаси Солиқ сиёсати концепцияси доирасида дунёning кўплаб мамлакатларида синовдан ўтган ва инсон омилини камайтиришга қаратилган замонавий ахборот технологиялари асосидаги солиқ маъмуриятчилигининг янги усусларини жорий қилмоқда. Шунингдек, мамлакат солиқ тизимида замонавий ахборот технологиялари асосидаги солиқ маъмуриятчилигининг янги усусларини кенг тарзда жорий этиш ва бунинг натижасида тадбиркорларга янада қулайликлар яратиш мўлжалланмоқда.

Хозирги глобаллашув шароитида дунёning тараққий этган давлатларида солиқ юкини камайтириш, солиқ турларини унификация қилиш ва солиқ ставкасини пасайтириш, солиқларни тўлаш ва солиқ ҳисботларини тақдим этишнинг электрон тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга кўра, сўнгги йилларда бизнесни юритиш учун энг қулай солиқ муҳитини яратиш, солиқ юкини оптималлаштириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини ошириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, самарали солиқ-бюджет сиёсатини ташкил этиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ солиши базасини кенгайтириш ва худудларнинг солиқ салоҳиятини оширишда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Замонавий иқтисодиёт ривожига, хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бу давлатнинг

амалдаги солиқ сиёсати ҳисобланади. Солиқ сиёсатини манипуляция қилиб, давлат тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий ривожланишини рағбатлантиради ва ёки уни чеклаб қўяди<sup>90</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз солиқ тизими мураккаб ривожланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди ва бу борадаги ислоҳотлар изчил такомиллашиб бормоқда. Жумладан, истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз солиқ тизими давлат бюджети тақчиллигини камайтириш ва даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилиб, корхоналар даромадларига юқори ставкаларда солиқ солиниши белгиланган бўлса, солиқ ислоҳотларининг кейинги босқичларида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишини рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга ўтилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, иқтисодиётда тутган ўрнини ошириш ва улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунга келиб дунёning ривожланган мамлакатлари қонунчилиги кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг маҳсус субъектлари деб таснифланмоқда. Бу эса кичик бизнесни солиқقا тортишнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида ифода этиб, унинг ижтимоий аҳамиятини ва оммавийлигини белгилаш билан бир қаторда, иқтисодий ривожланиш мақсадларини ҳам белгилаб беради. Кичик бизнес субъектларини солиқقا тортишнинг муҳим жиҳати бўлиб унинг миқдорий ва сифат мезонлари

---


<sup>90</sup> Тўқсонов Қ.Н. “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқка тортишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш истиқболлари” номли илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2020 йил.

хисобланади. Ушбу мезонларга корхона ишчиларининг сони, товар айланмаси, активлари ва олинган фойдалари киради<sup>91</sup>.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулагай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Жаҳон амалиётидан маълумки, кичик бизнес субъектлари фаолияти мамлакатда тадбиркорлик муҳитини ривожлантирувчи, аҳолининг бандлигини таъминловчи, саноат ва қурилиш тармоғининг оёққа туришида асосий манба сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат миқёсида ялпи ички маҳсулот, саноат, қурилиш ҳамда бандлик кўрсаткичларидаги улуши ҳамда улар томонидан тўланадиган базавий солик тури ҳисобланувчи айланмадан олинадиган солик (ягона солик тўлови)нинг йиллар давомидаги ставкалари таҳлилига тўхталадиган бўлсак (2.1-расм).



**2.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорга қўлланилган айланмадан олинадиган (ЯСТ) солик ставкалари ўзгариш динамикаси<sup>92</sup> (% да)**

<sup>91</sup> Тўқсонов Қ.Н. “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини соликка тортишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш истиқболлари” номли илмий мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2020 йил.

Юқоридаги 2.1-расм маълумотларига назар соладиган бўлсак, мазкур маълумотлардан кўриш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат миқёсида ялпи ички маҳсулот, саноат, қурилиш ҳамда бандлик кўрсаткичларидаги улуши ҳамда уларнинг фаолиятига таъсир этувчи кўрсаткичлардан бири улардан ундириладиган базавий солик тури ҳисобланувчи айланмадан олинадиган солик (ягона солик тўлови)нинг йиллар давомидаги ставкалари таҳлил қилиш учун келтирилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлаб келинган солик ставкаларига эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур субъектлар фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш асосан 2005 йилдан эътиборан бошланганлиги ва шу йилдан бошлаб, ушбу субъектлар учун 13 фоизлик ягона солик (ялпи даромад солиғи) қўлланила бошланган.

Дарҳақиқат кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилиши натижасида, айланмадан олинадиган солик (ягона солик тўлови) ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 2022 йилда 4 фоизгacha ёки 3 баробардан ортиқ камайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар берди. Жумладан, 2005 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги кичик бизнес субъектлари улуши 31,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йил якуни билан бу кўрсаткич 53,9 фоиз 2019 йилда 54,2 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2012-2018 йиллардаги ҳолатга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Ушбу ҳолатни 2019 йилдан бошлаб амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар билан изоҳлаш мумкин. Яъни, бюджет-солик сиёсати концепцияси доирасида қўлланилган механизмлар таъсирида кичик бизнес субъектлари тоифасини аниқлашда фақатгина ходимлар сони эмас, балки уларнинг айланма маблағлари ҳам инобатга олиниши билан асослаш мумкин.

---

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солик қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бундан ташқари 2.1-расмда келтирилган барча кўрсаткичлар 2020 йилда олдинги даврга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида дунё миқёсида, қолаверса мамлакатимизда кузатилган коронавирус пандемиясининг тадбиркорлик субъетлари фаолиятига салбий таъсирини келтириш мумкин.

Умуман олганда таҳлил қилинаётган маълумотларга кўра кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти 2005-2010 йилларга нисбатан охирги ўн йиллик даврда ижобий ўзгариш тенденциясига эга. Бундай натижага эришилишида албатта ушбу субъектлар фаолияти солиқлар воситасида қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамият касб этади. Буни биргина солиқ ставкалари орқали ҳам кўришимиз мумкин.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда кичик бизнесни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги 3620-сонли «Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур фармонга асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлиб микрофирма ва кичик корхоналар учун илгари тўлаб келинган 1 та солиқ ва 3 та ажратма жумладан, ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Йўл ва Мактаб таълими жамғармаларига мажбурий ажратмалар ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилиши кичик бизнес зиммасидаги солиқ юкининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармони талаблари доирасида 2019 йил 1 январдан барча тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилиши муносабати билан Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш киритилиб, ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан ресурс солиқларини тўлаш

мажбурияти ҳам белгиланди. Ушбу ўзгаришлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқларнинг юки умумбелгиланган солиқ тўловчи субъектлар солиқ юки билан мувозанатлаштирилди (2.2-расм).



2.2-расм. Ўзбекистонда микрофирма ва кичик корхоналарда солиқ юкининг ўзгариши<sup>1</sup>.

2.2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кичик бизнес субъектлари учун қўлланилган солиқлар бўйича солиқ юкининг камайишига солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиққа тортиш режимларининг соддалаштирилиши ҳамда солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг қўлланилиши асосий сабабчи бўлган.

Маълумки, буюк иқтисодчи олим А.Лаффер назариясига кўра солиқ ставкаларининг тўғри белгиланиши бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади. А.Лаффер тадқиқотларига кўра солиқ ставкаларининг ҳаддан ташқари пасайтирилиши ҳам айrim адолатсизликларни юзага келтириши мумкин. Шу нуқтаи назардан фикримизча кичик тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)нинг ставкалари 2005 йилдаги 13 фоиздан бугунги кунга келиб 4 фоизгача камайтирилиши ўз ўрнида ижобий аҳамият касб этган ҳолда айrim номувофиқликларга ҳам сабаб бўлди. Яъни, солиққа тортиш меъёрларида соддалаштирилган солиққа тортиш режими ҳамда умумбелгиланган солиққа тортиш режими ўргасида катта фарқни вужудга келтириб, умумбелгиланган солиқларни тўловчи тадбиркорлик субъектларининг аксарият қисми ҳам соддалаштирилган режимга ўтиб кетишига олиб келди. Шундан сўнг ушбу ҳолатнинг олдини олиш чоралари кўрилишига тўғри келди. 2019 йилдан бошлаб мазкур солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ бундай чоралар белгиланди. Бугунги кунда қўлланилаётган барча ўзгаришлар ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда солиққа ториш адолатлилигини таъминлаш мақсадида 2020 йилдан амалиётга жорий қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ кичик бизнес субъектлари тоифасини аниқлаш мезони сифатида уларнинг айланма маблағлари ҳам инобатга олиниши сабабли ягона солиқ тўловининг номи ўзгартирилиб, айланмадан олинадиган солиқ деб номланди.

Солиқ қонунчилигидаги ижобий ўзгаришлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти давомида амалга оширган товар (иш, хизматлар) айланмаси ҳажмиға қараб солиқларини түлаш тартиблари белгиланди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун айланмадан олинадиган солиқни қўллашнинг асосий жиҳатларига тўхталаған бўлсак. Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ давридаги товарларни (хизматларни) сотишдан олган даромади 100 миллион сўмдан ошса, лекин бир миллиард сўмдан ошмаса, у айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси деб эътироф этилади. Бошқа тадбиркорлик субъектлари учун солиқ даври мобайнидаги айланмаси миқдори бир миллиард сўмдан ошмаса айланмадан олинадиган солиқни тўловчи ҳисобланади. Демак, қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса барча тадбиркорлик субъектлари календар йил давомида айланмаси миқдори бир миллиарддан ортган тақдирда солиқ мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи ва бошқа солиқларни тўлаш тартибига ўтишларига тўғри келади.

Солиқ қонунчилигига кўра қўйидаги тадбиркорлик субъектлари айланмадан олинадиган солиқни қўллашга ҳақли эмаслар:

- солиқ даврида товарлар (хизматлар) сотишдан олинган даромадлари 1 миллиард сўмдан ошган амалдаги юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;
- солиқ даврида товарлар (хизматлар) сотишдан олинган даромадлари 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар;
- товарларни импорт қилувчилар - импорт шартномаси тузилгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;
- акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан шуғулланувчилар;

- 25 гектар ва ундан ортиқ суғориладиган ер майдонлари бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари - қишлоқ хўжалиги ерлари олинган кундан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;
- лотореяни ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;
- оддий шериклик шартномаси доирасидаги фаолият бўйича ишончли вакиллар.

Юридик шахслар айланмадан олинадиган солиқни қўллашни қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун берилган ариза ва бир вақтнинг ўзида айланмадан олинадиган солиқни тўлашни рад этишга доир ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ихтиёрий равишда рад этишга ҳақли.

Агар янги ташкил этилган юридик шахсда ёки янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси (бир миллиард суммани 365 га бўлганда ҳосил бўлган сумма ) рўйхатдан ўтилган санадан то календар йил тугагунига қадар бўлган кунлар сонига кўпайтирилганда бир миллиард сўмга teng суммадан ошса, у ҳолда бундай шахслар рўйхатдан ўтилган йилдан кейинги йилдан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Мисол учун “А” корхонаси 2021 йил май ойида ташкил этилган. Ушбу жамиятнинг май оидан декабр ойига қадар товар айланмаси 750 млн.сўмни ташкил этган.

Ушбу жамиятнинг қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғига ўтиш ўтмаслиги қуидагича аниқланади.

Май ва декабр ойлари 244 кунни ташкил этади.

$$1\ 000\ 000\ 000 / 365 * 244 = 668\ 493\ 150,7 \text{ сўм}.$$

Ушбу ҳолатда корхонанинг фаолият юритган даврдаги даромади пропорционал методда аниқланган даромаддан юқори бўлганлиги сабабли

корхона 2022 йилдан бошлаб қиймат солиғи ва фойда солигини тўлашга ўтиши лозим бўлади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган асосий солиқ тури айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) бўлганлиги сабабли ушбу солиқнинг тушумларини республика миқёсида ҳудудлар кесимида кўриб чиқамиз (2.1-жадвал).

## 2.1-жавдал

### **Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тушуми тўғрисида маълумот<sup>93</sup> (млрд. сўмда)**

Худудлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил		2021 йил	
				ЯТТлар	юридик шахслар	ЯТТлар	юридик шахслар
ҚҚР*	120,4	163,7	68,2	15,9	34,4	14,1	48,9
Андижон	161,1	219,1	91,3	21,2	46,1	16,1	80,4
Бухоро	162,3	220,7	91,9	21,4	46,4	18,3	69,4
Жиззах	80,8	109,9	45,8	10,7	23,1	9,3	45,2
Қашқадарё	241,3	328,2	136,7	31,8	69,1	17,0	94,9
Навоий	79,1	107,5	44,8	10,4	22,6	8,2	43,6
Наманган	152,2	207,0	86,3	20,1	43,6	11,3	78,5
Самарқанд	188,8	256,8	107,0	24,9	54,0	16,0	96,3
Сурхондарё	110,3	150,0	62,5	14,5	31,6	8,1	64,8
Сирдарё	72,6	98,7	41,1	9,6	20,8	4,1	40,6
Тошкент.	309,2	420,5	175,2	40,7	88,5	38,0	143,3
Фарғона	187,0	254,4	106,0	24,6	53,5	22,7	111,3
Хоразм	110,3	150,0	62,5	14,5	31,6	9,7	62,0
Тошкент ш.	903,9	1 229,3	512,2	119,1	258,7	127,7	375,0
<b>Жами</b>	<b>2 879,2</b>	<b>3 915,7</b>	<b>1 631,5</b>	<b>379,4</b>	<b>824,0</b>	<b>321,8</b>	<b>1354,1</b>

\* Корақалпогистон Республикаси

Юқоридаги 2.1-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тушуми 2017-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилдан кескин камайиши кузатилган. Ягона солиқ тўлови тушуми 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан деярли 2,5 баробарга 2020-2021 йилларда эса 3,3 баробарга камайиб кетган.

<sup>93</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

Ушбу ҳолатни сўнгги йиллардаги солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар ҳамда амалиётга қўлланилган солиқ сиёсати концепцияси натижасида солиққа тортиш режимларининг ўзгариши, яъни асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маблағлар айланмаси ҳажмига қаратилиб, солиқ солиш тартиблари белгиланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бунда 2019 йилга қадар соддалаштирилган тартибда фақатгина ягона солиқ тўловини тўлаб келаётган солиқ тўловчиларнинг аксарият қисми фойда, қўшилган қиймат ва бошқа умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартибига ўтиши натижасида айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)ни тўловчилар сони камайган. Шу билан бирга юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибалари инобатга олинган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам 2020 йилдан бошлаб амалга оширган айланма маблағлари ҳажмидан келиб чиқиб айланмадан олинадиган солиқни тўлашлари қонунчиликка киритилди. Шу сабабли якка тартибдаги тадбиркорлар 2020 йилда 379,4 млрд.сўм миқдорида айланмадан олинадиган солиқни тўлаган.

Солиқ тушумларининг 2020 йилда камайиб кетишига бутун дунёда, жумладан мамлакатимизда кузатилган коронавирус пандемияси таъсирида ушбу субъектлар фаолиятида айрим чекловларнинг ўрнатилиши, қолаверса мамлакатимиз Президенти томонидан пандемия даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган кўплаб ҳужжатлар (ПФ-5969-сон, ПФ-5978-сон, ПФ-5986-сон, ПФ-6029 ва х.к.) асосида қўлланилган имтиёз ва преференциялар таъсир қилган.

Иқтисодчи Ш.Тўраев таъкидлашича, “солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юкини ошириш (солиқ ставкаларини ошириш, солиқ имтиёзларини бекор қилиш) натижасида дастлаб солиқ тушумларини оширади, лекин энг юқори даражага етгач, пасайишга мойиллик сезади. Натижада, бюджетга тушумлар камайиб кетади ва солиқ тўловчиларнинг муайян қисми таназзулга

юз тутади ёки ишлаб чиқариш камайиб кетади, солиқ тўловчиларнинг қолган қисми эса солиқ тўлашдан ноқонуний равишда ўзини олиб қочади. Натижада яширин иқтисодиёт юзага келади<sup>94</sup>.

Солиқ юки ва солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири жуда катта бўлиб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгариши солиқ сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқдир. Солиқ юкининг макроиқтисодий ҳолатга таъсирини соликларнинг ялпи талаб ва ялпи таклифга, инвестицион муҳитга, истеъмолга, иқтисодий барқарорликка таъсири каби масалалар билан баҳолаш мумкин<sup>95</sup>.

Қисқача хulosса қиладиган бўлсак мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирлар ҳамда ислоҳотлар амалий натижаларига кўра ҳам бюджет даромадларининг барқарорлигини ҳам табдиркорлик субъектларини солиққа тортиш бўйича адолатлиликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

## **2.2. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати таҳлили.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Профессор Б.Тошмуродова фикрича, мамлакатимизда юритилган солиқ сиёсати асосан макроиқтисодий барқарорликни сақлашга қаратилди. Аммо, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида солиқ сиёсатини факат макроиқтисодий сиёсатга боғлаш эмас, балки микродаражада тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратиш даркор. Зеро, микродаражада

<sup>94</sup> Тўраев Ш.Ш. Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ДБА, 14 б.

<sup>95</sup> Тўраев Ш.Ш. Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ДБА, 14 б.

эришилган молиявий барқарорлик пировард натижада макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди<sup>96</sup>.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз”<sup>97</sup> - деб таъкидлаганлари бунинг яққол далили ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши ҳамда уларнинг фаолият йўналишлари қонунчиликда белгиланди.

Жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича меҳнат фаолиятини мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибиغا киритилмайди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан белгиланган миқдорда тўланган ижтимоий солиқ суммалари асосида уларнинг меҳнат стажи ҳисобга олинади. Бунда, ўзини ўзи банд қилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат-касса техникаси ва банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоблар бўйича тўлов терминаларидан фойдаланади ҳамда тижорат банкларида ҳисобварақлари очиши мумкин<sup>98</sup>.

<sup>96</sup> Тошмуродова Б.Э. “Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш”: и.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Тошкент, 2007. – 32 б

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси (29.12.2020 йил)

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, мамлакатда тадбиркорлик субъектлари фаолияти тараққий этиши учун солиқлар дастагидан оқилона фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Солиқ тизимида у ёки бу солиқлардан самарали фойдаланиш учун уларнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини, солиқлар туркумланишини кенгроқ ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларини солиқقا тортиш масалаларини тадқиқ этиш ва ушбу субъектлар фаолиятини солиқлар таъсирида ривожлантириш аҳамиятлидир.

Солиқ қонунчилигига белгиланган ўзгариш ва қўшимчалардан келиб чиқсан ҳолда якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)лар қўйидаги тартиблар бўйича солиқларни тўлайди.

I. Товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади календарь йилида юз миллион сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар олган даромадлари бўйича даромад солигини қатъий белгиланган суммада ёки солиқ органига декларация тақдим этиш йўли билан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини (12 % ставкада) тўлашни танлаши мумкин.

Яъни, энди якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятидан даромад олса ёки олмаса ҳам бир хил суммадаги қатъий белгиланган солиқни тўламасдан ҳақиқий олган даромади миқдоридан келиб чиқиб, солиқ органига декларация топшириш орқали даромад солигини тўлаши мумкин.

II. Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни тўлайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ихтиёрий равишда фойда солиги ва қўшилган қиймат солиги (ҚҚС)ни тўлашга ўтишга ҳақли. ҚҚС ва фойда солигини тўлашга ихтиёрий равишда ўтган ЯТТлар, жорий солиқ даври якунлари бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган

жами даромадлари **1 млрд. сўмдан** ошмаган бўлса, айланмадан олинадиган солиқни тўлашга камида 12 ойдан кейин қайта ўтишга ҳақли.

Ш. Солик даври давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади **1 млрд. сўмдан** ошган ЯТТлар, шу жумладан янги рўйхатдан ўтган ЯТТлар бундай ошиш рўй берган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Юқорида таъкидланганидек, 2020 йилдан бошлаб ЯТТлар декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашлари мумкин.

**Декларация асосида даромад солиғини тўлаш** - даромад олса ёки олмаса ҳам бир хил суммадаги қатъий белгиланган солиқни тўламасдан ҳақиқий олган даромади миқдоридан келиб чиқиб, харажатларини чегирган ҳолда солиқларини тўлашдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак (2.2-жадвал).

## 2.2-жадвал.

### **Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган миқдорда даромад солиғини тўлаш хусусиятлари:**

№	Якка тартибдаги тадбиркор:	Солик тўланади:
1.	Бир нечта фаолият тури билан шуғулланган тақдирда	Ҳар бир фаолият тури учун алоҳида алоҳида
2.	Давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда	Иккита ставкадан энг юқори ставка бўйича: - рўйхатдан ўтказилган жойда; - фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жойда
3.	I ёки II гурух ногирони бўлган тақдирда	Фаолият тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъий назар, қатъий белгиланган сумманинг 50 % ини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 % зидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди
4.	Хунармандчилик фаолияти	Мазкур фаолият тури бўйича солик

	маҳсулотлари (товарлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланган тақдирда ("Хунарманд" ўюшмаси аъзоси бўлганда)	тўламайди
5.	Мол-мулкни ижарага берганда	Солик кодексининг 380-моддасига асосан солик имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини инобатга олган ҳолда 12% ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги шаклланган даромад манбаига қараб ундирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг бошқа даромад турлари бўйича: алоҳида ҳисоб юритилади ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида белгиланган ставкалар бўйича тўланади (2.3-жадвал).


### 2.3-жадвал.

#### Якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромад манбалари бўйича даромад солиги ставкалари

№	Даромад турлари	ЖШДС ставкаси
1.	Солик агентида солик солинмайдиган мулкий даромадлар	12%
2.	Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тарзида олинган даромадлар	
3.	Солик агентида солик солинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар	
4.	Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар	
5.	Солик агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар	
6.	Дивиденdlар ва фоизлар (Солик кодексининг 380-моддасига асосан солик имтиёзларини инобатга олган ҳолда)	5%

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бир вақтнинг ўзида бир нечта фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил худуддаги якка тартибдаги тадбиркорлар ва уларга солиқ ставкасининг юқори ставкаси қўлланилиши натижасида ундирилган солиқ суммаси бўйича таҳлилий маълумотларни қўйидаги расм орқали кўришимиз мумкин (2.3-расм).



**2.3-расм. Бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги ЯТТлар ва уларга юқори ставканинг қўлланилиши натижасида ундирилган солиқ суммаси<sup>99</sup> (млн.сўм).**

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги 2.3-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимизда бир вақтнинг ўзида бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги ЯТТлар сони ва уларга нисбатан ҳисобланган солик миқдори камайиш тенденциясига эга. Жумладан, 2016 йилда мазкур тоифадаги солик тўловчилар сони 29 063 тани ташкил этиб, улар томонидан тўланган қатъий белгиланган солик 8 008,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 24 804 тага 7 608,0 млн. сўмни, 2018 йилда 23 160 тага 7 376,3 млн. сўмни, 2019 йилда 21 866 тага 7 060,3 млн. сўмни ҳамда 2020 йилда 11 232 тага 5 638,3 млн. сўмни ташкил этган. Солик қонунчилигига кўра икки ва ундан ортиқ фаолият турлари билан ҳар хил ҳудудда фаолият кўрсатувчи ЯТТлар сонининг камайиш сабабларидан бири - ушбу шахсларга солик ставкасининг юқори миқдори билан ундирилиш тартиби белгиланганлигидир.

Таҳлилий рақамлардан англаш мумкинки, 2020 йилда икки ва ундан ортиқ, яъни бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги ЯТТлар 2019 йилдагига нисбатан деярли икки баробар камайиб кетган. Ушбу ҳолатни 2020 йилдан амалиётга жорий қилинган янги таҳрирдаги Солик кодекси талаблари доирасида тадбиркорлик субъектларини соликқа тортиш режимларидаги ўзгаришлар билан асослаш мумкин.

Ҳар хил ҳудудларда фаолиятини амалга оширувчи ЯТТларнинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолатни мазкур ҳудудда инфратузилманинг яхши таъминланганлиги ва аҳоли сонининг кўплиги билан изоҳлаш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка, яъни Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 383-моддасига асосан келтирилган солик ставкаларига изоҳлар қисмида белгиланган меъёрларга кўра якка тартибдаги тадбиркор фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солик тўланади. Мисол учун, якка тартибдаги тадбиркор Сурхондарё вилоятида давлат рўйхатидан ўтиб

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатса Тошкент шаҳрида қўлланиладиган солиқ ставкаси бўйича, аксинча Тошкент шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошиrsa ҳам Тошкент шаҳрида қўлланиладиган солиқ ставкаси қўлланилади. Фикримизча, ушбу ҳолатда вилоятлардан Тошкент шаҳрига келиб фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорга Тошкент шаҳрининг солиқ ставкаси қўлланилишиadolatli, лекин тескари ҳолатда Тошкент шаҳридан вилоятларга бориб тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорга Тошкент шаҳрида қўлланиладиган солиқ ставкаси татбиқ қилинишиadolatlilik принципига мувофиқ дейиш қийинроқ.

Ушбу ҳолатда якка тартибдаги тадбиркорликни янада ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, солиқ қонунчилигига якка тартибдаги тадбиркор томонидан қатъий белгиланган солиқни фаолият амалга оширилган жой учун белгиланган ставкалари бўйича тўлаш тартибини қўллашга қаратилган тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Маълумки, халқаро амалиётда ҳам мамлакатимизда ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлган солиқ имтиёzlари кенг қўлланилади. Шуни инобатга олган ҳолда қатъий белгиланган даромад солиғи бўйича ногиронлиги бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга пасайтирувчи солиқ ставкаларини қўллаш назарда тутилган.

Солиқ қонунчилигига асосан, якка тартибдаги тадбиркорлар I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганида фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди<sup>100</sup>.

---

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 383-моддаси.

Ногиронлиги бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва уларга қатъий белгиланган даромад солиқи бўйича қўлланилган имтиёз суммаси тўғрисидаги маълумотларни қуидаги расм орқали таҳлил қилишимиз мумкин (2.4-расм).



**2.4-расм. Ногиронлиги бўлган ЯТГлар ва уларга қатъий белгиланган солиқ бўйича қўлланилган имтиёз суммаси динамикаси<sup>101</sup> (млн.сўм).**

Юқоридаги 2.4-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, ногиронлиги бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар сони 3791 нафарни ташкил этиб, кейинги йилларда ортиш тенденциясига эга. Яъни 2020 йил якунларига кўра 20 088 нафар якка тартибдаги тадбиркорларга имтиёз қўлланилиб, 2016 йилдагига нисбатан 5,3 баробар кўпайган. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига нисбатан қўлланилган солиқ имтиёзи суммасига эътибор қаратсак, ушбу кўрсаткич ҳам имтиёзлан фойдаланувчилар сонига тўғри пропорционал равишда ортиш кўрсаткичига эга. Қўлланилган солиқ имтиёзи суммаси 2016 йилда 3791 нафар тадбиркорлик субъектига нисбатан 5 676,7 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 20088 нафар тадбиркорга

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

нисбатан 30 011,3 млн. сўмни ташкил қилган. Ҳисоб-китоблар натижасига кўрса субъектлар сони ва уларга қўлланилган имтиёз суммасидаги тафовутга қарамасдан 2016 йилда ҳам 2020 йилда ҳам бир нафар тадбиркорга нисбатан ўртача 1,5 млн. сўмга тўғри келган.

Таҳлилий кўрсаткичлар 2020 йилда кескин ортиб кетган, яъни 2019 йилдагига нисбатан ўртача 3 баробарга кўпайган. Ушбу ўзгариш ҳолатни йилдан-йилга солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онги ривожланиши ҳамда солиқ қонунчилигининг такомиллашуви яъни ушбу меъёрларнинг бевосита Солиқ кодексига киритилиши натижасида солиқ ставкалари камроқ қўлланиладиган ҳудудлар яъни вилоятлар ва туманларда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиб кетиши билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги ПФ-5270-сонли Фармонига<sup>102</sup> асосан, 2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар учун бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси қўлланилиши белгиланган. Ваҳоланки, қонунчиликка мувофиқ майший хизматлар ва бошқа айрим фаолият турлари билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар 50 000 сўм, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам солиқ ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги мантиқан салбий ҳолат ҳисобланади. Фикримизча ушбу меъёрни I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият турига ва фаолият жойига нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаши тарзида ўзгартириш ижобий ҳисобланади.

Шу билан биргаликда мазкур ҳужжатга асосан, якка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун — бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси қўлланилиши белгиланган.

<sup>102</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли Фармонининг 7-банди.

Ваҳоланки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон қарорининг 7-банди, 2-хатбошига мувофиқ 2018 йил 1 августдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган барча ишчи қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод қилинган.

Демак, юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли Фармонига тегишли ўзгартириш киритиш, яъни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сонли қарорлари билан мувофиқлаштириш лозимлигини тақозо этади.

Маълумки, хунармандчилик фаолияти – мамлакат аҳолисининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ саклаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, ҳалқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашга хизмат қиласди. Шу асосда хунармандчилик аҳоли, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласлар бандлигини таъминлаш бўйича асосий дастак сифатида ижобий натижага кўрсатади.

Мамлакатимизда хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш мақсадида “Хунарманд” уюшмасига аъзо хунармандларга касб-хунар коллежларининг маҳсус устахоналарида хунармандчилик бўйича таълим беришда якка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузиш ва кўрсатилган хизмат учун солиқ тўламаслик хуқуқи берилди<sup>103</sup>. Шу билан биргаликда “Уста-шогирд” мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 25 ёшга етгунга қадар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 2,5 баробари миқдорида суғурта тўлови (ижтимоий солиқ) тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади<sup>104</sup>.

Бугунги кунда “Хунарманд” уюшмаси аъзолари сони 46 909 кишини

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармони

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармони

ташкил этади. Хунармандчилик билан шуғулланаётган аёллар сони 13 316 ёки 37%ни ва 30 ёшгача бўлган ёш хунармандлар сони 9 978 ёки 30% ни ташкил этади. Худудлар кесимида хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи ЯТГлар сони ва улар томонидан тўланган ижтимоий солиқ миқдорларини таҳлил қиласиган бўлсак (2.4-жадвал).

## 2.4-жадвал

**Худудлар кесимида ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар сони ва улар томонидан тўланган ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов) миқдори таҳлили (млн.сўм)<sup>105</sup>**

№	Худудлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
		Сони	тўланган ижтимоий солиқ								
1	Қорақалпоғистон Рес.	1 235	2 219,8	1 567	3 238,6	1 501	3 651,8	1 772	4 742,1	1 861	784,0
2	Андижон вилояти	2 863	5 146,2	3 499	7 232,0	3 055	7 433,1	3 593	9 613,5	6 491	1 018,5
3	Бухоро вилояти	2 379	4 274,9	3 148	6 506,5	2 775	6 750,4	3 025	8 095,2	3 149	1 377,6
4	Жиззах вилояти	1 033	1 857,0	1 395	2 884,1	1 189	2 891,3	1 557	4 166,8	2 015	461,6
5	Қашқадарё вилояти	1 747	3 139,3	2 553	5 276,3	2 405	5 850,5	2 862	7 658,7	2 511	1 177,5
6	Навоий вилояти	1 034	1 858,2	1 284	2 652,8	852	2 073,0	630	1 684,5	1 122	308,9
7	Наманган вилояти	1 933	3 473,8	2 869	5 928,8	2 651	6 448,5	3 301	8 833,2	5 650	2 113,2
8	Самарқанд вилояти	3 061	5 502,1	3 897	8 054,4	2 918	7 098,1	3 090	8 268,3	3 614	2 196,8
9	Сурхондарё вилояти	1 718	3 087,2	2 122	4 386,3	1 752	4 262,4	1 717	4 594,2	2 753	982,7
10	Сирдарё вилояти	613	1 102,5	823	1 701,2	795	1 934,0	875	2 342,3	1 102	242,9
11	Тошкент вилояти	2 370	4 258,9	3 224	6 662,8	2 885	7 018,3	3 397	9 091,4	3 658	2 051,3
12	Фарғона вилояти	3 325	5 976,2	4 238	8 759,6	3 605	8 770,6	4 162	11 137,5	6 980	2 419,6
13	Хоразм вилояти	1 623	2 916,5	2 180	4 506,4	2 055	4 999,8	2 309	6 180,0	2 392	1 208,8
14	Тошкент шаҳри	2 786	5 008,0	3 214	6 643,0	3 146	7 654,4	3 554	9 510,2	3 611	4 635,9
<b>ЖАМИ</b>		<b>27 720</b>	<b>49 820,6</b>	<b>36 012</b>	<b>74 433,1</b>	<b>31 584</b>	<b>76 836,3</b>	<b>35 844</b>	<b>95 918,0</b>	<b>46 909</b>	<b>20 979,70</b>

<sup>105</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.


Юқоридаги 2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сони мунтазам равишда ўсиш тенденциясига эга. Ушбу кўрсаткичлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хунармандлар сони 2017 йилда 27720 тани ташкил этган бўлса 2021 йилда эса 46909 тадан иборат бўлган, яъни сўнгги 5 йилда деярли 1.8 баробарга ортиш тенденциясига эга.

Худудлар миқёсида эътибор қаратсак, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сони Сирдарё, Навоий ва Жizzах вилоятларида бошқа ҳудудларга нисбатан камроқ кўрсаткичга эга. Республика миқёсида хунармандчилик фаолияти бўйича 2021 йилнинг якунига кўра Тошкент шаҳрини ўrnak сифатида қабул қилиш мумкин.

Таҳлилий маълумотларидан кўриш мумкинки, хунарманд якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов) ҳар йилнинг бошидаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланган. Яъни 2017 йил январ ойида базавий ҳисоблаш миқдори (энг кам иш ҳақи) 130240 сўмни ташкил этиб, шу йилдаги 27720 та тадбиркорлик субъектлари томонидан 49820,6 млн.сўм ижтимоий солиқ ундирилишига тўғри келган. 2021 йил якунига кўра 46909 та хунармандларга нисбатан 20979,70 млн.сўм ижтимоий солиқ ҳисобланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар томонидан белгиланган миқдорда тўланган ижтимоий солиқ суммалари асосида уларнинг меҳнат стажи ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қўлланиладиган имтиёз ва енгилликлар муҳим ўрин эгаллайди (2.5-расм). 2023 йил 1 январга қадар календарь йили давомида хунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 2 фоиз миқдорида тўланади.



**2.5-расм. Худудлар кесимида хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилган солиқ имтиёзлари (млн.сўм)<sup>106</sup>**

<sup>106</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2.5-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, қатъий белгиланган даромад солигидан имтиёз қўлланиши натижасида тежалиб ҳунармандлар ихтиёрида колган суммалар уларнинг сонига нисбатан тўғри пропорционал равишда мунтазам ортиш кўрсаткичига эга. Фақатгина, 2017 йилда соликдан имтиёз суммасида кескин камайиш кузатилган. Яъни, Республика миқёсида солик имтиёзларидан фойдаланувчи ҳунармандлар томонидан 2016 йилда 281 912,3 млн. сўм, 2017 йилда 26 102,7 млн. сўм, 2018 йилда 321 281,9 млн. сўм, 2019 йилда 402 869,8 млн. сўм ҳамда 2020 йилда 518 198,8 млн. сўмни ташкил этган.

Ҳунармандчилик субъектларига нисбатан қўлланилган солик имтиёзи суммасининг 2017 йилда бирданига камайиб кетиш сабабларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги қарори<sup>107</sup>га мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан қатъий белгиланган солик бўйича қўлланилиб келинган имтиёзлар тўхтатилиб, 2017 йилдан базавий ҳисоблаш миқдори (энг кам иш ҳақи)нинг 0,5 баравари миқдорида қатъий белгиланган солик ставкаси белгиланди.

Ҳунармандларга нисбатан қўлланилган соликка тортиш тартибидаги бундай ўзгаришлар мамлакат миқёсида халқ бадиий ҳунармандчилиги соҳаси вакилларининг фаолияти ривожига салбий таъсир кўрсатганлиги ҳамда айrim эътиrozли ҳолатлар сабабли 2017 йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони<sup>108</sup> қабул қилиниб, ушбу ҳужжатга асосан 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб ҳунармандчилик субъектлари — “Ҳунарманд” уюшмасининг аъзолари ҳунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширганида қатъий белгиланган миқдордаги соликни тўлашдан озод этилди.

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарори

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармони

Хунармандчилик фаолияти билан шуғулданаётган ЯТГлар сонининг кўпайишини мазкур фаолият билан шуғулданаётган якка тартибдаги тадбиркорларга берилган имтиёз ва қулайликлар билан боғлаш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш борасида яратилаётган имкониятлар натижасида ҳунармандчилик фаолияти кундан қунга ривожланиб бормоқда. Бу албатта мамлакатимизда ҳунарманд тадбиркорларимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда уларни солиқлар воситасида рағбатлантириш самарасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан қатъий белгиланган даромад солиғи бўйича қўлланиладиган имтиёзлар худудларнинг инфратузилмаси ҳамда уларнинг фаолият турларига қўлланилган ставкаларига қараб ҳар хил улушга эга бўлади.

Қатъий белгиланган даромад солиғи бўйича имтиёзлар 2.5-расм маълумотларига асосан ҳар бир ҳурнарманд учун қўйидаги улушларни ташкил этган:

- Тошкент шаҳрида ҳар бир ҳунармандга нисбатан йилига ўртача 9,0 млн. сўм;
- бошқа худудларда 6,0 млн. сўм.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг муҳим ва замонавий йўналишларидан бири бу фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш асосида давлат рўйхатидан ўтиб фаолият олиб бориши ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши уларнинг бандлигини таъминлайди, молиявий мустакиллигини яхшилайди ҳамда келгуси даврда меҳнат муносабатларида тўлақонли ҳуқуқларга эга бўлиб, фаолият даври учун пенсия тайинланишида инобатга олинади.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имкониятларни яратиш

мақсадида ўзини ўзи банд қилиши бўйича қонунчиликка<sup>109</sup> асосан фаолият турлари белгиланган. Ўзини ўзи банд қилувчи фаолиятларни қўйидаги йўналишлар бўйича тақсимлаб тадқиқ этиш мумкин.

**Ижтимоий йўналишдагиларга** - уйда репетиторлик қилиш, болаларга энагалик ва уларни парвариш қилиш, уй хўжалигини юритиш, хоналарни тозалаш, халқ табобати, ҳамширалик иши каби фаолият турларини киритиш мумкин.

**Саноат йўналишига** - ёғоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр монтаж ишлари, макулатура, пластик идиш, темир-терсак тўплаш ва қўшимча хомашё тўплаш каби фаолият турларини киритиш мумкин.

**Қишлоқ хўжалиги йўналишига** - чорва молларини боқиш, уларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда томорқа эгаларига ёрдам бериш каби фаолият турларини киритиш мумкин.

**Ахборот коммуникация йўналишига** - ижтимоий тармоқлардаги фаолият, фрилансерлик, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтларни ишлаб чиқиш, матнни яратиш ва ишлов бериш каби фаолият турларини киритиш мумкин.

**Маиший хизматларга** - сартарошлиқ, маникюр, косметолог, педикюр, уйда кир ювиш ва дазмоллаш, калитлар тайёрлаш, пойабзал тикиш, таъмирлаш ва бўяш хизматларини киритиш мумкин.

**Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиши йўналишига** - нон, уйда поп-корн, музқаймоқ, салатлар, салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш каби фаолият турларини киритиш мумкин.

Республика бўйича ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ва уларнинг таркибий қисмлари тўғрисида таҳлилий маълумотга эътибор қаратадиган бўлсак (2.5-жадвал).

---

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори.

## 2.5-жадвал

### Республика бўйича ўзини ўзи банд қилган фуқаролар тўғрисида тахлилий маълумот<sup>110</sup> (2022 йил 1 январь ҳолатига)

№	Худудлар номи	Жами хисобга олинган фуқаролар сони	Шундан, жорий йилда хисобга олинган фуқаролар сони		жумладан:					
			сони	%	Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар	Саноат йўналиши бўйича хизматлар	Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар	Ахборот коммуникация йўналиши бўйича хизматлар	Машиий хизматлар	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш
<b>Республика жами</b>		<b>1 210 849</b>	<b>693 265</b>	<b>114,6</b>	<b>106 053</b>	<b>120 979</b>	<b>189 881</b>	<b>18 712</b>	<b>197 364</b>	<b>60 276</b>
1	Қорақалпоғистон Р.	36 982	13 833	51,8	1 755	1 676	4 907	307	3 377	1 811
2	Андижон вилояти	87 703	28 522	68,4	3 175	7 346	7 204	518	8 111	2 168
3	Бухоро вилояти	61 189	22 392	58,8	2 193	2 979	11 061	218	4 994	947
4	Жizzах вилояти	33 140	16 191	67,0	2 112	2 033	6 075	247	4 313	1 411
5	Қашқадарё вилояти	61 600	25 177	57,6	3 362	4 190	8 713	512	6 848	1 552
6	Навоий вилояти	37 483	21 473	72,1	2 826	1 909	5 827	605	8 108	2 198
7	Наманган вилояти	81 847	29 460	67,5	5 568	4 611	7 279	712	9 142	2 148
8	Самарқанд вилояти	142 199	67 149	74,9	12 039	8 955	24 698	847	16 756	3 854
9	Сурхондарё вилояти	55 364	20 088	50,9	1 517	1 801	9 155	671	5 726	1 218
10	Сирдарё вилояти	22 944	10 092	73,1	1 629	959	3 412	307	2 944	841
11	Тошкент вилояти	67 897	31 268	75,4	5 491	4 534	10 757	669	7 011	2 806
12	Фарғона вилояти	103 544	42 082	73,1	5 638	10 178	10 190	645	10 746	4 685
13	Хоразм вилояти	63 920	38 985	79,1	6 246	3 493	14 800	518	10 068	3 860
14	Тошкент шаҳри	95 134	45 091	68,1	11 303	6 689	915	3 461	14 673	8 050

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги 2.5-жадвал маълумотларига асосан ўзини ўзи банд қилган фуқаролар таркиби гурухларга ажратилган. Ушбу гурухлар таркибига тўхталашибган бўлсак улар қуидагилардан иборат:

Юқоридаги 2.5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, республика миқёсида 2022 йил 1 январ ҳолатига 1 210 849 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган. Жорий йил давомида республика миқёсида 693 265 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг аксарият қисми яъни 189 881 (27 фоиз) нафари қишлоқ хўжалиги йўналишидагилар ҳамда 197 364 (28 фоиз) нафари майший хизматларга тўғри келмоқда. Энг кам кўрсаткич ахборот-коммуникация йўналишига, яъни умумий рақамларга нисбатан атиги 2,7 фоизга тўғри келади. Демак мамлакатимизда ушбу соҳа вакилларини янада рағбатлантириш ҳамда енгилликлар бериш ва бунинг натижасида ушбу соҳага тегишли фаолият билан шуғулланувчиларнинг сонини ошириш лозим бўлади.

Таҳлилий маълумотларни вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг пешқадам ҳудуд аҳоли сони нисбатан кўп бўлган Самарқанд ва Фарғона вилоятларига тўғри келиб, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 182 176 нафар (23 фоиз), Фарғона вилоятида 132 624 нафар (26,1 фоиз)ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-714-сон қонунига<sup>111</sup> асосан Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига тегишли қўшимчалар киритилиб, Ўзбекистон Республикасининг айrim ҳудудларида солик солишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилди. Бунда солик солишнинг алоҳида тартибига эга Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари сифатида Фарғона вилоятининг Сўҳ тумани, Риштон туманининг Чўнгара маҳалласи, шунингдек Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон

---

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-714-сон қонуни.

маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа - 2 кўчаси эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган солиқ тўловчилар учун қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ҳар чоракда **йигирма беш минг** сўм миқдорида тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун — **йилига** базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўлаши лозимлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

### **2.3. Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири таҳлили.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармонига мувофиқ умумбелгиланган ва соддалаштирилган режимларда солиқларни тўловчилар ўртасидаги солиқ юкини teng тақсимлаш масаласига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда 2020 йилдан амалиётга жорий этилган Солиқ кодексига асосан белгиланган меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни солиқقا тортиш билан боғлиқ бўлган режимлар ўртасидаги тафовутнинг йўқотилишига эришилди. Яъни корхоналарнинг айланмаси ҳажмига қараб солиқ режимлари белгиланиши уларни солиқقا тортиш бўйича адолатлиликни таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг маъмурий бошқарув тизими ўрнига тартибга солиш механизми жорий қилиб борилади. Гап шундаки, бу

жараёнлар хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувини ўзида мужассамлаштирумайди. Аксинча, бозор механизмларининг амал қилиши ва бу механизmlар ёрдамида иқтисодий жараёнларни тартибга солиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб бериши керак. Бундай тартибга солиш воситаларидан бири солиқлар ҳисобланади<sup>112</sup>.

Турли мамлакатларда, ҳатто бир хил иқтисодий ривожланиш шароитларига эга бўлган мамлакатларда ҳам иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш даражаси турлича. Давлатнинг кўпроқ таъсири Швецияда кузатилади, Германия, Япония ҳамда АҚШда давлатнинг тартибга солиши кам даражададир<sup>113</sup>. Бугунги кунда солиқлар иқтисодиётга таъсир кўрсатиш жиҳатидан молиявий-иктисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланиб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим дастакларидан бири сифатида юзага чиқади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакат солиқ тизимини яратиш орқали давлат ундан маълум молиявий сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қиласи.

Корхоналарнинг фаолиятига солиқлар ва солиқ юкининг таъсирини профессор И.М.Ниязметов<sup>114</sup> қуидагича тадқиқ этган. Йирик бизнеснинг солиқ юки кичик бизнеснига нисбатан салмоқлироқ бўлиши табиий. Буни аксарият давлатлар амалиётида ҳам кўриш мумкин. Бироқ, Ўзбекистондаги каби солиқ юки даражаларидаги кескин тафовут назарий жиҳатдан ҳам асосланмаган ҳамда халқаро амалиётда ҳам кузатилмайдиган ҳолатdir.

---

<sup>112</sup> Юлдашев С.Н., Азимова Ф.П. бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда солиқ сиёсати тажрибаси. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, № 6. 32 б.

<sup>113</sup> Князев В.Г. Тенденции развития налоговых систем зарубежных стран. // «Налоговый вестник», 1998, № 9. -С. 5-8.

<sup>114</sup> И.М.Ниязметов “Солиқка тортиш механизmlарини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 18-бет. 2018 йил.

Профессор Б.Тошмуродова фикрича, иқтисодиёт миқёсида солиқ юки давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улуши сифатида аниқланганидек, уни хўжалик субъектларидағи ёки тармоқлардаги ҳолатини аниқлашда солиқ ва тўловларнинг қўшилган қийматдаги улуши сифатида аниқланиши энг аниқ усул бўлиб, солиқ юкининг тармоқлар ўртасидаги тақсимланишини ҳам тўғри акс эттиради<sup>115</sup>. Шунингдек, иқтисодчи томонидан солиқ юкини ҳисоблашда солиқлар ва тўловларнинг солиқ тўлагунча олинган фойдага нисбатан ҳисоблаб чиқилиши, хўжалик субъектлари учун аниқ солиқ юки кўрсаткичи келиб чиқмаслиги илмий асосланган.<sup>116</sup>

Профессор Б.Р.Санакулова таъкидлаганидек, иқтисодиётда оптимал солиқ юки даражасини амалда ушлаб туриш орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш ва шу орқали мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш мумкин. Иқтисодчи томонидан таклиф этилган усулда эса айнан мазкур субъектлар томонидан амалга оширилган солиқ маъмурчилиги харажатларининг умумий суммаси ҳам солиқ юкини ҳисоблашда инобатга олиниши зарурияти илмий асосланган<sup>117</sup>.

Иқтисодчи Ш.Тўраев фикрича, солиқ тизимини самарали ташкил этиш ва унинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтириш корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу боис, солиқ тизимининг содда ва аниқлиги солиқ тўловчиларнинг мажбуриятини вақтида ва тўлиқ амалга оширишга хизмат қиласи. Юридик шахслар зиммасидаги солиқ юкини ҳисоблаш ва аниқлаш борасида ягона ёндашув мавжуд эмаслиги бўйича муаллиф фикрича, юридик шахсларнинг солиқ юкини ҳисоблаш юридик шахсларнинг солиқ юкини ҳисоблашда уларнинг барча тўлайдиган солиқ

<sup>115</sup> Тошмуродова Б.Э. “Иқтисодий таракқиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш”: и.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Тошкент, 2007. – 32 б

<sup>116</sup> Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Ўқв қўлланма. -Т.: ТМИ, 2005 й. 41 бет.

<sup>117</sup> Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини соликка тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Дис. ... икт. фан. д-ри. – Т., 2016. 26-27 б.

ва тўловларининг йифиндисини янгидан яратилган қийматга нисбати орқали аниқлаш лозимлиги илмий асосланган<sup>118</sup>.

И.Ниязметов солик юкига “Тадбиркорлик субъектининг солик юки – бу, муайян бир тадбиркорлик субъектида яратилган (кўшилган) янги қийматга ушбу қийматни яратиш жараёнида қонунчилик бўйича давлатга ажратиш учун ҳисобланган барча соликлар, тўловлар ва мажбурий ажратмалар жамланмасининг нисбатидир” - деб таъриф берган<sup>119</sup>.

Бу борада Тошкент шахрида фаолият кўрсатувчи “PARADISE ACCESSORIES” ишлаб чиқариш корхонасининг фаолиятига соликларнинг таъсирини таҳлил қиласиган бўлсак (2.6-жадвал).

### 2.6-жадвал “PARADISE ACCESSORIES” корхонасининг молиявий натижаси таҳлили:

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	минг.сўмда
1.	Маҳсулот сотишдан соф тушум	даромад	953252,0	1816608,8	2 321 771,7	1 758 582,8	3 332 764,4
		маҳсулот таннархи	350031,0	820 155,5	1 481 969,6	1 512 963,9	2 947 525,3
2.	Ялпи фойда	даромад	603221,0	996 453,3	839 802,1	245 618,9	385 239,1
		харажат	50 243,6	106 599,7	194 990,3	150 933,4	118 725,4
3.	Тўлаган соликлар	55 666,0	105 481,8	93 624,4	27 121,9	93 794,4	
4.	Соф фойда	505222,4	789 891,9	560 020,7	60 511,0	228 646,6	
5.	Солик юки %	5,8	5,8	4,0	1,5	6,9	
6.	Рентабеллик кўрсаткичи %	144,3	96,3	37,8	4,0	7,7	

<sup>118</sup> Тўраев Ш.Ш. Иқтисодиётда солик юкини оптималлаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ДБА, 64 б.

<sup>119</sup> Ниязметов И.М “Солик юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири таҳлили”: и.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Тошкент, БМА, 2008.–18 б.

Юқоридаги 2.6-жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, мазкур корхонанинг молиявий фаолиятига солиқларниң бевосита таъсирига эътибор қиласак, 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан камайиш, 2020 йилда эса кескин камайиш кузатилган. Корхона томонидан тўланган солиқларниң маҳсулот сотишдан тушумига нисбати яъни солиқ юкининг ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тўланган даврда яъни 2017-2018 йилларда солиқ юки бир хил 5,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилдан камайиш кузатилган. Корхона амалга оширган айланмаси миқдоридан келиб чиқсан ҳолда 2019 йилдан бошлаб фойда солигини тўлашга ўтганидан кейин 4,0 фоиз, 2020 йилда эса 1,5 фоиз кўрсаткичга эга. Солиқ юкининг камайиш ҳолатини маҳсулот таннархи учун сарф қилинган маблағлар миқдори ортиши ва бунинг натижасида солиқка тортиладиган база камайиши билан изоҳлаш мумкин.

Солиқ юкининг камайишига қарамасдан корхона рентабеллик кўрсаткичининг кескин камайиб кетиш ҳолатини маҳсулот таннархининг ортиб кетиши билан асослаш мумкин.

Корхона соғ фойдасининг ўзгариши маҳсулот таннархи миқдорининг ўзгаришига номутаносиблиги корхона рентабеллигининг номуносиб ўзгаришига олиб келган.

Умумий хулоса сифатида айтиш лозимки, 2020 йилдаги кўрсаткичларниң кескин камайиб кетишини ушбу даврда юзага келган пандемия таъсирида корхона деярли фаолият олиб бормаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2.6 ва 2.7-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, корхона томонидан тўланган солиқлар 2019-2020 йилларда бир-биридан фарқ қилмоқда. Бунинг сабаби корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотида факатгина корхонанинг молиявий фаолиятига бевосита

таъсир кўрсатувчи солиқлар келтирилганлиги, яъни ҚҚС инобатга олинмаганлигидадир.

Корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи маълумотларига асосан 2020 йилда молиявий фаолият бўйича харажатлар, яъни фоизлар тарзидаги харажатлар ҳамда валюта курси фарқидан заарлар ҳисобига корхона фаолиятини олдинги йилларга нисбатан салбий фарқ билан якунлаган.

“PARADISE ACCESSORIES” корхонаси томонидан Давлат солик хизмати органларига тегишли ҳисботлари тақдим этилган солик турларининг таркибини кўрадиган бўлсак (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

**“PARADISE ACCESSORIES” корхонаси томонидан тўланган асосий солиқлар таҳлили<sup>120</sup>**

минг.сўмда

№	Солиқ тури	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
	<b>Жами солиқлар</b>	<b>55 666,7</b>	<b>105 481,9</b>	<b>1 424 448,2</b>	<b>240 886,2</b>	<b>593 709,1</b>
1.	Фойда солиғи	-	-	70 036,6	29 21,9	44 286,4
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 756,0	1741,5	11 733,4	17 511,0	25 100,0
3.	Ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов)	5 841,0	12 816,2	11 854,4	6 689,0	24408,0
4.	Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)	47 721,7	90924,2	-	-	-
5.	ҚҚС	-	-	1 330 823,8	216 686,2	499 914,7
6.	Бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар	347,0	-	-	-	

<sup>120</sup> “PARADISE ACCESSORIES” корхонаси томонидан Давлат солик хизмати органига тақдим этилган ҳисбот маълумотлари асосида диссертант томонидан шакллантирилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, корхона томонидан мол-мулк ва ер солиғи тўлови амалга оширилмаган, бунинг сабаби корхона фаолиятини ижара асосида амалга оширади. Тўланган солиқлар таркибида ҚҚС корхона фаолиятига бевосита таъсир қиласада билвосита, яъни нархларнинг ортиб кетишига олиб келади. Корхона томонидан 2020 йилда пандемия бўлишига қарамасдан, ҳаттоқи корхона фаолият юритмаган вақтларида ҳам ишчиларга иш ҳақи ҳисобланган ва даромад солиғи тўланган. 2020 йилда корхона томонидан тўланган ижтимоий солиқ миқдори даромад солиғи миқдоридан кам бўлиши кузатилган. Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги фармонига<sup>121</sup> ижтимоий солиқ бўйича ҳисбот шаклларига микрофирмалар ва кичик корхоналар учун унинг ставкаси 12% дан 1% гача камайтирилганлиги билан асослаш мумкин.

Энди савдо фаолиятини амалга оширувчи корхонанинг молиявий натижаси ҳамда ушбу корхона томонидан тўланган солиқлар таркибини таҳлил қиласиз (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

**“ABDIRAIM ABDIMALIK SAVDO” савдо корхонасининг  
молиявий натижаси таҳлили:**

минг.сўмда

№	Кўрсаткичлар		2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Махсулот сотишдан соғ тушум	даромад	1153061,0	384487,9	880937,9	1281011,9	1262134,7
		маҳсулот таннархи	960313,0	297184,8	603746,9	926198,2	797561,4
2.	Ялпи фойда	даромад	192748,0	87303,1	277190,9	354813,7	464573,3
		харажат	133146,0	127913,6	313606,3	326990,4	365837,4
3.	Тўлаган солиқлар		74608,0	53070,9	96492,8	80857,3	87 823,4

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш ва коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш тўғрисида”ги ПФ-6029-сон фармони.

4.	Соф фойда + / зарар -	5156,0	-73086,0	-75762,9	-18060,1	83925,4
5.	Солиқ юки %	6,5	13,8	11,0	6,3	6,6
6.	Рентабеллик күрсаткичи %	0,5	-24,6	-12,5	-1,9	10,5

Юқоридаги 2.8-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган корхона фаолияти сўнгги уч йилда салбий натижа билан якунланган. Корхонанинг молиявий натижасига кўра ялпи харажатлар ортиб кетиши ҳамда солиқ юкининг қўпайиши таъсирида мазкур ҳолат юзага келган.

Энди мазкур савдо корхонаси томонидан тўланган солиқлар таркиби ва улардаги ўзгаришларни таҳлил қиласиз (2.9-жадвал).

2.9-жадвал.

**“ABDIRAIM ABDIMALIK SAVDO” корхонаси томонидан тўланган асосий солиқлар**

минг.сўмда

№	Солиқ тури	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
	<b>Жами солиқлар</b>	<b>57970,2</b>	<b>74608,0</b>	<b>53070,9</b>	<b>96492,8</b>	<b>125286,6</b>
1.	Фойда солиғи	-	-	-	45883,4	14810,4
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	5757,0	4075,3	8848,5	11965,3	13164,0
3.	Ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов)	14563,0	10975,7	8387,7	4752,3	13164,0
4.	Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)	54288,0	32541,3	37609,7	-	-
5.	ҚҚС	-	-	-	4103,6	37463,2
	Ер солиғи	-	4136,4	19825,8	7658,7	25365,7
	Мол-мулк солиғи	-	1327,5	21041,8	7596,7	16278,6
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик	-	14,7	779,3	3000,9	5040,6

	учун солик					
6.	Бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар	-	-	-	-	-

Юқоридаги 2.9-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, корхона 2020 йилгача бўлган даврда ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтмаган. Бунинг асосий сабаби корхона томонидан амалга оширилган савдо айланмаси ҳажми билан боғлиқ ҳисобланади.

Корхона томонидан асосий солиқлар яъни мол-мулқ, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар 2018 йилдан бошлаб тўланган. Ушбу ҳолатни корхона 2018 йилгача бўлган даврда фаолиятини ижара асосида амалга оширганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Йиллик пул айланмаси 1 миллиард сўмгacha ҳамда суғориладиган ер майдони 25 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар таркибини мисоллар асосида кўриб чиқадиган бўлсак (2.10-жадвал). Сурхондарё вилояти Денов туманида фаолият кўрсатувчи “Истиқлол” қишлоқ хўжалиги корхонасининг ер майдони 21 гектарни, товар айланмаси 506,7 млн.сўмни, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 38,4 млн.сўмни, ер усти манбадан фойдаланилган сув ҳажми  $2\ 519\ m^3$ ни, кўчмас мулки қиймати 197,7 млн.сўмни, ер майдони норматив қиймати 1 га учун 10,2 млн.сўмни ташкил этади.

## 2.10-жадвал


### “Истиқлол” корхонаси томонидан тўланадиган солиқларнинг таққослама таҳлили:

2019 йилда	2021 йилда
1. Ягона ер солиғи $37\ га \times 10,2\ x\ 0,95\% = 3,6\ \text{млн.сўм}$ (ЯЕСнинг 30% қисми (1,1 млн.сўм) 1 сентябргача, қолгани (2,5 млн.сўм)	1. Айланмадан олинадиган солиқ $506,7\ \text{млн.сўм} \times 4\ \% = 20,3\ \text{млн.сўм}$ 2. Ижтимоий солиқ $38,4\ \text{млн.сўм} \times 12\ \% = 4,6\ \text{млн.сўм}$

1 декабргача тўланади)	3. Мол-сулк солиғи 197,7 млн.сўм x 2 % = <b>3,9 млн.сўм</b>
2. Ягона ижтимоий тўлов  38,4 млн.сўм x 12 % = 4,6 млн.сўм Жами солиқ суммаси <b>8,2 млн.сўм</b>	4. Ер солиғи 21 га x 10,2 x 0,95% = <b>2,0 млн.сўм</b>  5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ $2\ 519\ м^3$ (ер усти манба) x 140 сўм = <b>352 660 сўм</b> Жами солиқ суммаси <b>31,2 млн.сўм</b>

Корхона томонидан 2019 ва 2021 йилда тўланган солиқлар таркибига эътибор қаратадиган бўлсақ, солиқ юки 2021 йилда 2019 йилга нисбатан деярли 4 баробар кўпайиш кўрсаткичига эга.

Қуйидаги 2.6-расм маълумотлари орқали Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи пул айланмаси 1 миллиард сўмгача ҳамда сугориладиган ер майдони 25 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштирувчи корхоналар сони ва уларга ҳисобланган солиқлар миқдори таҳлил қилинган.



**2.6-расм. Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги конхоналари ва уларга хисобланган солиқлар миқдори<sup>122</sup> (млн.сўм).**

Юқоридаги 2.6-расм маълумотлари орқали асосан 2018-2020 йиллардаги кўрсаткичларга эътибор қаратиш ва тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқка тортиш тартибида 2018 йилдан бошлаб кескин ўзгаришлар кузатила бошлаганлигидир.

<sup>122</sup> Сурхондарё вилояти Давлат солик бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустакил тайёрланган

Умумий майдони 1 гектардан ортиқ бўлган ер майдонига эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарга нисбатан ер участкасининг бир қисмида тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланилган тақдирда 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ягона солиқ тўлови ундириш тартиби белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёzlари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 августдан бошлаб ягона ер солиги тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равища қўшилган қиймат солигини тўлашга ўтиш имкониятига эга бўлди, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб эса 2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га эга бўлган ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиги тўловчилари қўшилган қиймат солиги тўловчилари ҳисобланиши белгиланди.

Мазкур ўзгаришлар таъсирида Сурхондарё вилоятида фаолият олиб борувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан 2018 йилда 8632,8 млн.сўм ягона солиқ тўлови ҳисобланган бўлса бу кўрсаткич 2019 йилда деярли 8 баробар, 2020 йилда эса 14 баробар, яъни кескин камайиб кетган. Ушбу ҳолатни қишлоқ хўжалиги корхоналари учун қўшилган қиймат солиги 2019 йилдан жорий қилинганлиги билан изоҳлаш мумкин. Қўшилган қиймат солиги 2020 йилда 2019 йилга нисбатан кам кўрсаткичга эгалигининг сабаби 2020 йил I-ярим йиллиги учун ҳисобланган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 2020 йилдан жорий этилиб, уларга ҳисобланган солиқ миқдори бошқа солиқларга нисбатан жуда юқори, яъни 74 109,3 млн.сўмни ташкил этмоқда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органларига худудий сувоқова ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги

корхоналари томонидан фойдаланиши мумкин бўлган сув ҳажмидан ва белгиланган ставқадан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган.

Сурхондарё вилоятида фаолият қўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари сонининг йиллар давомида камайиб кетишини сўнгги йилларда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва уларнинг оптималлаштирилиши, шунингдек кластер тизимига ўтказилиши билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти томонидан Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, бунинг натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир маҳсус хужжатлар қабул қилинди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар бўйича солиқлардан имтиёзлар ва енгилликлар бериш, солиқларни тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш орқали рағбатлантиришга этибор қаратилди. Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланиши юзасидан 2.6-расм маълумотларига кўра ҳисобланган солиқларнинг тушумининг таъминланиш қўрсаткичлари бажарилмаган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланадиган солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиги асосий ўринни эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ҳисобга олиш механизми орқали қўшилган қиймат солигини тўлашда солик тўловчи учун афзаллик яратилади. Лекин бу механизмни факат қўшилган қиймат солиги тўловчиси қўллаши мумкин. Кўшилган қиймат солигини тўлашга ўтишни танлаган солик тўловчи аслида ўз бизнесини ривожлантириш учун кенг имкониятга эга бўлади.

Мисол учун картошка етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжалигининг жами харажатлари таркибида ишчилар иш ҳақи ўртача

32,6 фоиз, бошқа харажатлар (ягона ер солиғи, йигимлар ва ҳ.к.) ўртача 7,3 фоизни ташкил қилсада, қолған харажатлари асосан қўшилган қиймат солиғи билан реализация қилинадиган минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситалари, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари ва машина трактор парклар хизматларига тўғри келади. Яъни, етиштирилган пиёзнинг таннархи таркибида ўртача 10 фоизини юқорида айтиб ўтилган товар, иш ва хизматлар етказиб берувчиларга тўлаб берилиган қўшилган қиймат солиғи ташкил этади.

Шу кунга қадар қишлоқ хўжалиги корхоналари қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги боис, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сотиб олинган товар, иш, хизматлар нархи таркибида тўланган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга ололмас эди, натижада бу ҳолат маҳсулот таннархини ортишига олиб келар эди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтгандан сўнг, реализация қилаётган барча маҳсулотлари ёки бошқа хизматларини қўшилган қиймат солиғи билан реализация қилиши (имтиёзли товар ва хизматлар турлари бундан мустасно) шарт бўлади, яъни ҳисоб-варақ фактура ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда қўшилган қиймат солиғи ставка ва суммасини ажратиб кўрсатиши шарт.

## **2-боб бўйича хulosалар**

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилган айланма ҳажми инобатга олиниб, солиқقا тортиш режимларини белгилаш ушбу субъектлар томонидан солиқقا тортиладиган айланма миқдорини камайтириб кўрсатишига ундаши мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда корхоналар томонидан айланма миқдорини камайтириб кўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда жавобгарлик чораларини кучайтириш бу бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Бугунги кунда якка тартибдаги тадбиркорларни солиқقا тортиш борасида кўпгина ижобий ислоҳотлар амалга оширилиши билан бир қаторда

ушбу соҳада эътибор қаратилиши лозим бўлган қуидаги ҳолатларни кузатишимиш мумкин:

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли Фармонининг 7-бандига I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият турига ва фаолият жойига нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкасининг 50 фоизи микдорида қатъий белгиланган даромад солиги тўлаши тарзида ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сонли қарорлари талабларини инобатга олган ҳолда ПФ-5270-сонли Фармонининг 7-бандига ўзгартириш киритиб, якка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун — бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи микдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси қўллаш бўйича белгиланган меъёрни бекор қилиш лозим.

**Иккинчидан**, якка тартибдаги тадбиркорликни янада ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, солиқ қонунчилигига якка тартибдаги тадбиркор томонидан қатъий белгиланган солиқни фаолият амалга оширилган жой учун белгиланган ставкалари бўйича тўлаш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Тахлил қилинган корхоналар фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот таннархи учун харажатлари ортиб кетиши бунинг натижасида корхонанинг рентабеллик даражаси тушиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда тадбиркорлик субъектлари томонидан йил яқунига кўра рентабеллик даражасини оширган корхоналарга нисбатан фойда ҳамда айланмадан олинадиган солиқлар бўйича регрессив ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Натижада, тадбиркорлик субъектлар фаолияти давомида

амалга оширган айланма миқдорини ошкоралаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида тушишини таъминлаш, солиққа оид хуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади.

4. Қишлоқ аҳолиси даромадлилик даражасини ошириш ҳамда ишчилар қўлига «конверт» асосида иш ҳақи тўлашнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган ижтимоий солиқ ставкасини мумкин қадар пасайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат ушбу имтиёзни ижтимоий солиқ ставкасини пасайтириш эвазига юзага келадиган қўшимча маблағни ишловчиларнинг иш ҳақини оширишга йўналтириш шарти билан берилиши лозим. Бу эса қишлоқ хўжалик ишларида меҳнат сифими юқорилигини ҳисобга олган ҳолда ушбу тармоқда ишловчиларнинг меҳнат ҳақини ошириш орқали рағбатлантириш имкониятларини беради.

## **Ш-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

### **3.1. Тадбиркорликка қулай ишбилармонлик мұхитини яратиши және солиққа тортишни такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йүллари.**

Жағон мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, ахоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида тадбиркорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш және солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали қулай ишбилармонлик мұхитини яратиши бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жағон банкининг “Бизнесни юритиш” рейтингида охирги икки йилда дунёning 190 та давлатидан 115 тасида амалга оширилган 294 та ислоҳотларнинг 56 таси бизнесни тартибга солиши қулай солиқ мұхитини яратишига қаратилган<sup>123</sup>. Иқтисодиётда ЯИМга нисбатан солиқ юки даражаси бўйича АҚШда 24,5 фоиз, Австралияда 28,7 фоиз, Буюк Британияда 33,0 фоиз, Германияда 38,8 фоиз, Швецияда 42,9 фоиз, Туркияда 23,1 фоиз, Японияда 32,0 фоиз, Жанубий Кореяда 27,4 фоиз, ИХТТ мамлакатларида 33,8 фоиз ва Россияда 32,0 фоизни ташкил этган<sup>124</sup>.

Ҳозирги глобаллашув шароитида бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик мұхитини яратиши, солиқ тизимини рақамлаштириш ва солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини ошириши, самарали солиқ-бюджет сиёсатини ташкил этиши орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.


---

<sup>123</sup> <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> - Doing Business – 2020 Comparing Business Regulation in 190 Economies.pdf. <http://www.pwc.com/payingtaxes> - Paying Taxes-2020.pdf.

<sup>124</sup> <https://eyourcountry.org>. - Revenue Statistics <https://stats.oecd.org>.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-кувватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон банкининг “ Doing Business 2020” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 7 ўрин юқорига кўтарилиб, дунёning 190 мамлакати орасида **69-ўринни** эгаллади (3.1-расм). Жаҳон банки эксперtlари ҳисоботнинг 10 индикаторидан 5 тасида Ўзбекистон позициясини яхшилаганлиги эътироф этилган.



**3.1-расм. Ўзбекистонни 2010-2020 йилларда “Бизнес юритиш” жаҳон рейтингидаги умумий даражаси<sup>125</sup>.**

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, “Иқтисодий эркинлик индекси” рейтингида Ўзбекистон **26 поғонага** кўтарилиб, 2020 йилда **114-ўринни**, “Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси” 2020 йилги рейтинг натижаларига кўра 152 давлат орасида **92-ўринни** эгаллади. Бу мамлакатимизга ишбилиармонлик муҳитини яхшилашда энг катта ютуқларга

<sup>125</sup> <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings>- Жаҳон банкининг Doing Business 2010-2020 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

эришган **20** та мамлакат қаторига кириш имконини берди (3.1-жадвал).

### 3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро индекслардаги рейтинги<sup>126</sup>.**

№	Индекслар номланиши	Жорий ҳолат	2021	2022	2030
<b>1.</b>	<b>“Бизнесни юритиш”индекси (Doing Business Index)</b>	<b>69,90 балл (69-ўрин)</b>	<b>72,43</b>	<b>77,8</b>	<b>89,36</b>
<b>2.</b>	<b>Иқтисодий эркинлик индекси (Economic Freedom Index)</b>	<b>57,2 балл (114-ўрин)</b>	<b>57,2</b>	<b>63,6</b>	<b>82,3</b>
<b>3.</b>	<b>“Инсон камолоти” индекси (Numan Development index)</b>	<b>0,710 балл (108-ўрин)</b>	<b>0,720</b>	<b>0,740</b>	<b>0,820</b>
<b>4.</b>	<b>“Рақобатбардош саноат унумдорлиги” индекси (Competitive Industrial Performance Index)</b>		<b>2020 йилги рейтинг натижаларига кўра 152 та давлат орасида 92-ўрин</b>		

Жаҳон банки эксперtlари “Бизнесни юритиш” ҳисботнинг 10 индикаторидан 5 тасида Ўзбекистон позициясини яхшилаганлиги эътироф этилган:

- **бизнесни бошлаш (+4 поғона).** Давлат хизматларини кўрсатиш марказлари орқали компанияларни рўйхатдан ўтказиш тизимини жорий этиш ва кичик корхоналар учун босма нашрга бўлган талабни бекор қилиш орқали бизнесни бошлаш учун сарф-харажатлар ва вақтни қисқартириш;
- **қурилиш учун рухсат олиш (+2 поғона).** Алоқа ва бошқа рухсатномаларга уланиш учун техник шартларни олиш нархини пасайтириш;
- **инвесторларни хуқуқларини ҳимоя қилиш (+27 поғона).** Асосий корпоратив қарорларни қабул қилишда акциядорларнинг хуқуклари ва ролини кенгайтириш, мулкчилик ва бошқарув тузилмаларини белгилаш ва


---

<sup>126</sup> <http://www.review.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази маълумотлари асосибу тузилди

корпоратив шаффоффликни талаб қилиш орқали миноритар инвесторларнинг ҳимоясини кучайтириш;

➤ **ташқи савдо (+13 поғона).** Хавфларни баҳолаш ва импорт хужжатларига талабларни соддалаштириш асосида божхона текшируви механизмини жорий этиш орқали ташқи савдо тартиб-қоидаларини соддалаштириш;

➤ **шартномаларнинг бажарилиши (+19 поғона).** Ихтиёрий медиация тўғрисида ягона қонун қабул қилиниши орқали шартномани бажаришни соддалаштириш, шунингдек, низоларни медиация орқали ҳал қилишда тарафларни рағбатлантириш ва маҳаллий тижорат судларида натижаларни баҳолаш ҳисоботларини нашр этиш.




**3.2-расм. Ўзбекистонни хорижий мамлакатлар ичида 2020 йилдаги “Бизнес юритиш” рейтинги<sup>127</sup>.**

Жаҳон банки гурухи “Бизнесни юритиш 2020” ҳисоботида бизнесни юритиш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича дунё рейтингида Янги Зеландия пешқадамликни сақлаб қолиб, Сингапур иккинчи, Гонконг учинчи ва Дания тўртинчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларда Жанубий

<sup>127</sup> <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> - Жаҳон банкининг Doing Business 2020 йил ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди

Корея, АҚШ, Грузия, Буюк Британия, Норвегия ва Швеция эгаллаган (3.2-расм).

Агар рейтингдаги позицияларни МДХ мамлакатларига нисбатан қўриб чиқадиган бўлсак, ўринлар қуйидаги тарзда жойлашди: Грузия (7-ўрин), Литва (11-ўрин), Эстония (18-ўрин), Латвия (19-ўрин), Қозогистон (25-ўрин), Россия Федерацияси (28-ўрин), Озарбайжон (34-ўрин), Арманистон (47-ўрин), Молдова (48-ўрин), Беларусь Республикаси (49-ўрин), Украина (64), Ўзбекистон (69-ўрин), Қирғизистон Республикаси (80-ўрин), Тожикистон (106-ўрин).



**3.3-расм. Ўзбекистонни МДХ мамлакатлар ичida 2019-2020 йилдаги “Бизнес юритиш” рейтинги<sup>128</sup>.**

Ўзбекистонда 2020 йилда рейтингдаги қуйидаги индикаторларда ўсиш кузатилди: «Корхонани рўйхатга олиш» +4 (12-дан 8-га), «Шартнома мажбуриятларини бажарилиши» +19 (41-дан 22-га), «Курилишга ижозат олиш» +2 (134-дан 132-га), «Миноритар инвесторларни ҳимоялаш» +27 (64-дан 37-га), «Халқаро савдо» +13 (165-дан 152 га), индикаторлари бўйича вазият яхшиланган (1-жадвал).

<sup>128</sup> <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> - Жаҳон банкининг Doing Business 2020 йил хисоботи маълумотлари асосида тузилди

Шунингдек, күйидаги индикаторларда пастлаш кузатилди: «Электр таъминоти тизимиға уланиш» – минус 1 пункт (35-дан 36-га), «Мол-мулкини рўйхатга олиш» минус 1 пункт (71-дан 72-га), «Солиққа тортиш тизими» минус 5 пункт (64-дан 69-га), «Тўловга лаёқатсизликка рухсат бериш» – минус 9 (91-дан 100-га), «Кредитлар олиш» – минус 7 (60-дан 67-га) ва «Шартномалар ижросини таъминлаш» –минус 6 (32-дан 38-га).

Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини амалиётга жорий этиш ва “ягона дарча” тизимини янада такомиллаштириш туфайли охирги беш йилда корхонани рўйхатдан ўтказиш бўйича сезиларли ўсиш қайд этилди (8-ўрин, 56 поғонага ўсди).

### 3.2-жадвал

#### Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда “Doing Business” рейтингида тадбиркорликка қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш бўйича шарт-шароитлар даражаси<sup>129</sup>

№	Индикаторлар	Йиллар				
		DB-2010	DB-2015	DB-2018	DB-2019	DB-2020
	“Doing Business” рейтинги	150	141	74	76	69
1.	Корхоналарни рўйхатга олиш	92	64	11	12	8
2.	Қурилишга рухсатнома бериш	142	149	135	134	132
3.	Энергия таъминотига уланиш	95	108	27	35	36
4.	Мол-мулкини рўйхатга олиш	133	113	73	71	72
5.	Кредитлар олиш	135	105	55	60	67
6.	Миноритар инвесторлар ҳимояси	119	87	62	64	37
7.	Солиққа тортиш тизими	178	117	78	64	69
8.	Халқаро савдо (тижорат)	174	158	168	165	152
9.	Шартнома мажбуриятларини бажарилиши	44	32	39	41	22
10.	Тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиниши (бизнесни тугатиш)	125	75	87	91	100

<sup>129</sup> <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> - Жаҳон банкининг Doing Business 2010-2020 йиллардаги хисоботлари маълумотлари асосида мувалиф томонидан тайёрланди

Республикада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, ҳалқаро амалиётта мувофиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган солиқ ҳисботларини соддалаштириш ва тақдим этиш даврийлигини қисқартириш бўйича бир неча босқичда чоратадбирлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, солиқ тизимида амалга оширилган солиқ ислоҳотлари натижасида мамлакатимиз бизнесни юритиш рейтингидаги ўрни ижобий томонга ўзгармоқда. Жаҳон банкининг “**Бизнесни юритиш - 2019**” ҳисботига кўра, “Солиққа тортиш” индикаторида” Ўзбекистон дунёning 190 давлат ичидаги 78-ўриндан 64-ўринга кўтарилилган бўлса, 2020 йилда эса 64-ўриндан 69-ўринга тушди (3.3-жадвал).

### 3.3-жадвал.

#### **Ўзбекистонда солиққа тортиш рейтингида ҳисобга олинадиган индикаторларнинг ўзгариш динамикаси<sup>130</sup>.**

Индикаторлар	Йиллар						Фарқ (+,-)
	2010	2016	2017	2018	2019	2020	
<b>Солиққа тортиш рейтинги</b>	<b>178</b>	<b>115</b>	<b>138</b>	<b>78</b>	<b>64</b>	<b>69</b>	<b>+109</b>
<b>Солиқ тўловлари сони</b>	106	33	46	10	10	9	<b>-97</b>
<b>Вақт сарфи (ҳисбот) соат</b>	196	192,5	192,5	181,0	181,0	181,0	<b>-15</b>
<b>Умумий солиқ (юки) ставкаси %</b>	94,9	41,1	38,1	38,3	32,1	31,6	<b>-63,3</b>


Солиқ соҳасидаги мамлакатлар рейтингини аниqlашда солиқ тўловлари сони, солиқларни тўлашга кетадиган вақт сарфи ва умумий солиқ ставкаси кўрсаткичлари инобатга олинади. Агар, 2010 йилда солиқ тўловлари сони 106 тани, вақт сарфи 196 соат ва умумий солиқ ставкаси 94,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда солиқ тўловлари сони 10 тани ва умумий

<sup>130</sup> <http://www.doingbusiness.org/EconomyRankings> - Жаҳон банкининг Doing Business 2010-2020 йиллардаги ҳисботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёrlанди

солиқ юки ставкаси **32,1** фоизни ташкил этиб сезиларли даражада камайганини күришимиз мумкин. 2020 йилда хам сезиларли равища камайганини күришимиз мумкин. Бироқ, солиққа тортиш индикатори күрсаткичи юқорилаши ўрнига камайишини күришимиз мумкин. 2020 йилдан солиқ турлари 13 тадан 9 тага ва солиқ ҳисоботларини камайтирилган бир пайтда ушбу күрсаткич пасаймоқда. Фикримизча, ушбу индикаторни ҳисоблаш методикаси аник эмаслиги ва тұғри ишлаб чиқылмаганлигидан келиб чиқиб, қайта күриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш лозим.

Хорижий мамлакатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан құллаб-қувватлаш ва солиққа тортиш тажрибани ўрганиш, унинг ижобий томонларидан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарали фойдаланиш ва амалиётта жорий қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, ахоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида кичик бизнес ва тадбиркорликнининг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, иқтисодий фаол ахолининг 52 фоизи АҚШ да, Хитойда 83 фоиз, Германияда 57 фоиз ва Японияда 72 фоизи кичик бизнесда банд бўлиб, АҚШда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 56 фоизи, Хитойда 60 фоизи, Германияда 43 фоизи, ва Японияда 67 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.



**3.4-расм. 2021 йилда хорижий мамлакатларда кичик бизнеснинг  
мамлакат ЯИМ ва аҳоли бандлигидаги үлүши%<sup>131</sup>**

Профессор Б.Р.Санакулова фикрича, тадбиркорлик ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда иқтисодиётнинг «локомотиви» сифатида майдонга чиқди. Бугунги кунга келиб, жаҳон тажрибасида кичик тадбиркорлик мақомини беришнинг ягона таърифи мавжуд бўлмай, у турли мамлакат ва тармоқлар учун турлича мазмун касб этмоқда. Жумладан, жаҳоннинг 75 та мамлакатида кичик корхоналарнинг 50 дан ортиқ статистик ўлчовлари ҳисобга олиниб, уларни тавсифлашда сифат ва миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Миқдорий кўрсаткичлар сифатида ишловчилар сони, айланма маблағлар ҳажми, маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш ҳажми, асосий воситалар қиймати каби кўрсаткичлар олинмоқда<sup>132</sup>.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари турлича белгиланган бўлиб, айрим МДҲ мамлакатларида

<sup>131</sup> Санников Д.В. Анализ современного состояния мер поддержки малого и среднего предпринимательства в России в условиях коронакризиса // Экономика, предпринимательство и право. – 2022. – Том 12. – № 6. – С. 1693-1708. – <https://leconomic.ru/lib/114850> ; <http://doklad.ombudsmanbiz.ru/2021/7.pdf>

<sup>132</sup> Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини соликка тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишли таъминлаш. Дис. ... икт. фан. д-ри. – Т., 2016. 26-27 б.

кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари сифатида ишчилар сони ва йиллик тушум белгиланган (3.4-жадвал)

### 3.4-жадвал

#### Айрим МДХ мамлакатларида кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари<sup>133</sup>

Давлатлар	Мезонлар	Микро- фирмалар	Кичик корхоналар	Ўрта корхоналар
Россия Федерацияси	Ишчилар сони	15 кишигача	16-100 кишигача	101-250 кишигача
	Йиллик тушум	120 млн. рублгача	800 млн. рублгача	2 млрд. рублгача
Қозоғистон	Ишчилар сони	100	101-250	250 дан кўп
	Йиллик тушум ЭКХК-2269 танга <sup>134</sup>	30 минг гача ЭКХК*	3 млн. гача ЭКХК	3 млн.дан кўп ЭКХК
Украина	Ишчилар сони	10	50	250
	Йиллик даромад	2 млн. евро	10 млн.евро	50 млн.евро
Белоруссия	Ишчилар сони	15 кишигача	16-100 кишигача	101-250 кишигача
Ўзбекистон	Ишчилар сони	2-20 гача	25-200 тагача	-

\*Қозоғистон Республикасининг 2016 йил 29 ноябрдаги № 25-VI-сонли Конунига мувофиқ, ЭКХК - энг кам ойлик ҳисоблаш кўрсаткичи 2269 тенге миқдорида белгиланган. Ушбу кўрсаткич орқали солиқлар, жарималар ва бошқа тўловларни ҳисоблашда қўлланилади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида кичик бизнес субъектлари микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарга бўлинниб, мезон сифатида ишчилар сони, йиллик товар обороти ва асосий воситалар қиймати кўрсаткичлари қўлланилиб, 2003 йилдан бошлаб қуидагича белгиланган. Микрофирмаларда ишчилар сони 10 кишигача бўлган йиллик товар обороти - 2 млн. евродан ва асосий воситалар қиймати - 2 млн. евродан кўп бўлмаган корхоналардир (3.5-жадвал).

<sup>133</sup> <http://www.cer.uz/ru/publications/2705/pdf..> - Аналитическая записка. Оптимизация налогового бремени в интересах качественного роста частного сектора (2015). Центр экономических исследований.

<sup>134</sup> Закон РК «О республиканском бюджете на 2017 - 2019 годы» от 29 ноября 2016 года № 25-VI

### 3.5-жадвал

#### Европа Иттифоқи мамлакатларида микро, ўрта ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонлари<sup>135</sup>

Тоифаси	Бандлик ишчилар сони	Товар айланмаси млн.евро	Асосий воситалар млн.евро
Микрофирмалар	<10	<2	<2
Кичик корхоналар	<50	<10	<10
Ўрта корхоналар	<250	<50	<43

Кичик корхоналарда ишчилар сони 10 кишидан 50 кишигача, йиллик товар обороти 2 млн. дан 10 млн. еврогача ва асосий воситалар қиймати - 2 млн. евродан кўп бўлмаслиги лозим. Ўрта корхоналарда эса ишчилар сони 50 кишидан 250 кишигача, йиллик товар обороти 10 млн. дан 50 млн. еврогача ва асосий воситалар қиймати 10 млн. дан 43 млн. еврогача бўлиши белгиланган<sup>136</sup>.

Лотин Америкаси ва ИХТТ қитъаларидағи мамлакатлар тажрибасини ўрганадиган бўлсак, кичик бизнес субъектлари кичик ва ўрта корхоналар тоифасига бўлиниб, аниқлаш мезонлари сифатида ишчилар сони, асосий воситалар қиймати ва йиллик товар айланмаси белгиланган.

### 3.6-жадвал

#### Лотин Америкаси ва ИХТТ қитъаларидағи мамлакатларда кичик бизнесни аниқлаш мезонлари<sup>137</sup>

Давлатлар	Мезонлар	Кичик корхоналар	Ўрта корхоналар
Камбоджа	Ишчилар сони	11-50 кишигача	51-200 кишигача

<sup>135</sup>European Commission Entrepreneurship and Small and medium-sized enterprises (SMEs) (<http://ec.europa.eu/growth/smes/business-friendly-environment/sme-definition/>)

<sup>136</sup>Valdani Vicari & Associati SRL (VVA)and Centre for European Economic research (ZEW). SME taxation in Europe.Brussels- May – 2015. 153 P. (<http://ec.europa.eu>)

<sup>137</sup> <http://www.cer.uz/ru/publications/2705/pdf..> - Аналитическая записка. Оптимизация налогового бремени в интересах качественного роста частного сектора (2015). Центр экономических исследований. Center for Economic Research or UNDP. Tashkent.

	Асосий фонdlар	50-250 минг. АҚШ доллар	250-500 минг. АҚШ доллар
Лаос	Ишчилар сони	19 кишигача	
	Асосий воситалар	250 млн.кип. (27,75 минг.АҚШ доллар) гача	-
	Йиллик оборот	25450 лн.кип.(55,5 минг.АҚШ доллар) гача	-
Малайзия	Ишчилар сони	5-10 кишигача	5-10 кишигача
	Йиллик товар айланмаси	0,3-15 млн.ринггит (71 минг –3,5 млн. АҚШ доллар)	15-50 млн.ринггит (3,5–11,8 млн. АҚШ доллар )
Тайланд	Ишчилар сони	50 кишигача	50-200 кишигача
	Асосий воситалар	50 млн. батгача ( 1,4 млн. АҚШ доллар)	50-200 млн. батгача ( 1,4 -5,6 млн. АҚШ доллар)

Айрим ривожланган мамлакатлар АҚШ, Япония, Хитой, Ҳиндистон ва Буюк Британияда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезони фаолият турига қараб ишчилар сони, йиллик даромади, капитал қўйилмалар миқдори, асосий фонdlар миқдори ва йиллик айланмалар миқдори белгиланган.

### 3.7-жадвал

#### Айрим ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнесни аниқлаш мезонлари<sup>138</sup>

Давлатлар	Мезонлар	Микро- фирмалар	Кичик корхоналар	Ўрта корхоналар
АҚШ	Ишчилар сони	50 кишигача	100 дан 1500 кишигача	
	Йиллик тушум	\$ 0,75 млн. долларгача	\$10 млн. дан \$38 млн. гача	\$1 млрд. гача
Канада	Ишчилар сони	49 кишигача	50 дан 500 кишигача	
	Йиллик тушум	\$ 5 млн. долларгача	\$10 млн. дан \$ 50 млн.гача	
Япония	Ишчилар сони	Ишлаб чиқаришда 100 тагача	Бошқа фаолият турлари 100 -300 тагача	
	Йиллик тушум	\$ 474 минггача	\$ 948 минггача	\$ 2844

<sup>138</sup> [http:// www.giac.ru/](http://www.giac.ru/). © НП "Московский центр развития предпринимательства" маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

	\$ минг			мингча
<b>Швеция</b>	Ишчилар сони	-	50 тагача	-
	Йиллик тушум \$ минг	-	5,34 млн.евро	-
<b>Хиндистон</b>	Ишчилар сони		Аҳамията эга эмас	
	Асосий фонд кйимати	\$22 минг	\$55 минг	\$1,1 млн
<b>Хитой</b>	Ишчилар сони (киши)	100 тагача	300 тагача	1000
	Йиллик фойда	Фаолият турига қараб 20 млн.юандан 100 млн.юангача		
	Йиллик даромад	Тадбиркорлик даромади \$ 500 минг дан \$ 1 млн.гача		

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШ, Япония, ва Канадада кичик бизнесни аниқлаш мезони ишчилар сони ва йиллик даромади билан аниқланади. Европа Иттифоқининг Германия, Франция ва Италия каби мамлакатларида кичик бизнес субъектлари микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарга бўлинниб, мезон сифатида ишчилар сони, капитал кўйилмалар миқдори ва йиллик оборот кўрсаткичлари белгиланган. Шунингдек, Россия, Хитой ва Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезони сифатида фақат ишчилар сони белгиланган.

Кичик ва хусусий бизнес ривожланишида солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали уни қўллаб-куватлаш жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кенг тарқалган. Ривожланган мамлакатларда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-куватлаш учун кенг қўлланиладиган солиқ имтиёзи фойдадан олинадаган солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобланади (3.8-жадвал).

### 3.8-жадвал

#### Айрим Европа мамлакатларида корхоналар томонидан тўланадиган фойда солиғи ставкалари<sup>139</sup>

Мамлакат	Умумий ставка %	Имтиёзли ставка %	Имтиёз олиш шартлари
<b>Белгия</b>	33	24,5	Фойдаси 25 минг еврогача бўлган корхоналар

<sup>139</sup> <http://www.cer.uz/ru/publications/2705/pdf..> - Аналитическая записка. Оптимизация налогового бремени в интересах качественного роста частного сектора (2015). Центр экономических исследований. Center for Economic Research or UNDP. Tashkent.

		31,0 32,5	Фойдаси 25-90 минг еврогача бўлган корхоналар Фойдаси 90-322 минг еврогача бўлган корхоналар
<b>Испания</b>	30	25	Жами товар айланмаси 10 млн.евродан кам бўлмаган ва 300 минг евро миқдорида фойдага эга бўлгшан корхоналар
		20	Жами товар айланмаси 5 млн.евродан кам бўлмаган, 300 минг евро миқдорида фойдага эга бўлган ва ишчилар сони 25 кишидан ошмайдиган корхоналар
<b>Франция</b>	33,33	15	Жами товар айланмаси 7,63 млн.евродан кўп бўлмаган ва 38,12 минг евро фойдага эга бўлган компаниялар
<b>Буюк Британия</b>	24	20	Жами товар айланмаси 300 минг.евродан ошмайдиган корхоналар
<b>Голландия</b>	25	20	Солиқ солинадиган фойдаси 200 минг еврогача бўлган корхоналар
<b>Руминия</b>	16	3	Жами товар айланмаси 65 минг евродан кам бўлган хусусий корхоналар
<b>Литва</b>	15	5	Солиқ солинадиган фойдаси 290 минг еврогача ва ишчилар сони 10 нафаргача бўлган корхоналар
<b>Венгрия</b>	19	10	Дастлабки 1,64 млн.евро миқдоридаги солиқ солинадиган фойдаси биринчи йилга.

3.8-жадвал маълумотларидан кўринадики, Европа мамлакатларида кичик корхоналарга фойда солиғи бўйича солиқ ставкаси табақалашган ҳолда белгиланган бўлиб, маълум миқдорда фойда суммаси ва товар айланмаси ҳажми ҳисобга олинади. Бу эса корхоналарни молиявий қўллаб қувватлаш, дастлабки йилда фаолиятини кенгайтириш ва якуний натижга фойда билан тугашини таъминлашга хизмат қиласи.

### 3.9-жадвал

#### Айрим хорижий мамлакатларда корхоналар томонидан тўланадиган фойда солиғи ставкалари<sup>140</sup>

Мамлакат	Соддалашган ставка (кичик)	Умумбелгилашган ставка %	Фарқи, марта

<sup>140</sup> <http://www.cer.uz/ru/publications/2705/pdf..> - Аналитическая записка. Оптимизация налогового бремени в интересах качественного роста частного сектора (2015). Центр экономических исследований. Center for Economic Research or UNDP. Tashkent.

	бизнесга)%		
<b>Белгия</b>	24,98	33,99	1,36
<b>Канада</b>	15,19	26,50	1,74
<b>Франция</b>	15,0	33,33	2,22
<b>Венгрия</b>	10,0	19,0	1,90
<b>Япония</b>	21,42	36,54	1,66
<b>Жанубий Корея</b>	12,2	24,2	1,98
<b>Люксембург</b>	28,15	29,22	1,04
<b>Нидерландия</b>	20,0	25,0	1,25
<b>Испания</b>	25,0	30,0	1,20
<b>АҚШ</b>	19,92	39,0	2,01

3.9-жадвал маълумотларидан кўринадики, айрим хорижий мамлакатларда корпорациялар учун фойда солигининг стандарт ставкаси белгиланган бўлиб, кичик корхоналарга пасайтирилган фойда солиги ставкаси қўлланилади. Ушбу давлатларда фойда солигини пасайтирилган имтиёзли ставкаси корхонанинг фойдаси ва товар айланмаси ҳажмидан қатъий назар қўлланилади. Ушбу тартиб ҳам кичик корхоналарнинг молиявий фаолиятини рағбатлантиради ва солиқ юкининг пасайишига хизмат қиласди.

Жаҳон банкининг ҳисоботларида Сингапур бизнесни юритиши рейтингида 2015 йилда 1-ўринни, 2016-2020 йилларда эса 2-ўринни эгаллаган. Бунинг асосий сабаби, тадбиркорлик субъектларига қулай солиқ муҳити яратилишидадир. Хусусан, Сингапурда фаолият кўрсатаётган компанияларга 17 фоизлик фойда солигини тўлаш белгиланган бўлиб, янги ташкил этилган компанияларга уч йиллик имтиёзлик солиқ тўлаш тартиби белгиланган. Компаниянинг дастлабки 100 минг S\$ миқдоридаги фойдаси фойда солигидан озод этилган бўлса, кейинги 200 минг S\$ гача бўлган фойдаси 50 фоиз миқдорида ва 300 минг S\$ дан юқори бўлган фойдаси 17 фоиз миқдорида солиқقا тортилади.

### 3.10-жадвал

**Сингапурда янги ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган компанияларига фойда солиғи бўйича имтиёзли солиқ ставкалари<sup>141</sup>**

Янги ташкил этилган		Фаолият кўрсатаётган	
Фойда миқдори \$	Ставка	Фойда миқдори \$	Ставка
100 000	0%	100 000	3,4%
200 000	3,4%	50 000	6,1%
300 000	4,6%	200 000	6,6%
400 000	6,8%	400 000	8,4%

Мазкур имтиёздан фойдаланиш қуидаги шартлар асосида амалга оширилади. Компания Сингапурда рўйхатдан ўтган бўлиши, резидент сифатида солиқ тўловчи бўлиши, асосий фаолият тури инвестицион холдинг ва қўчмас мулкни реализация қилиш бўлмаслиги, акционерлар сони кўпи билан 20 кишини ташкил этиши, барча акционерлар жисмоний шахс бўлиши ва камида бир нафар акционер 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда акция улушига эга бўлиши лозим.

Фаолият кўрсатаётган компанияларга ҳам имтиёз белгиланган бўлиб, дастлабки олинган 10 минг \$ миқдоридаги фойдасининг 25 фоизи солиқقا тортилади. Кейинги 290 минг \$ фойданинг 50 фоизи солиқقا тортилади ва 300 минг \$ дан юкори бўлган фойда стандарт 17 фоиз миқдорида солиқقا тортилади. Шунингдек, уларга ҳам хисобланган фойданинг 30 фоизи миқдорида, бироқ 30 минг \$ дан кўп бўлмаган миқдорда чегирма қилиш хуқуқи берилган. Россия Федерацияси субъектларининг қонунларига мувофиқ, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва илмий соҳа ҳамда аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича биринчи марта рўйхатдан ўтган ва фаолият

<sup>141</sup> Налогообложение компаний в Сингапуре. Налоговые льготы. Impex Consult .[www.impexconsult.ru/taxes-in-singapore.pdf](http://www.impexconsult.ru/taxes-in-singapore.pdf) . <https://www.start-business-in-singapore.com>

кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорларга икки йил муддатга солиқдан **ноль фоиз** ставка қўланилиб, **солиқ таътиллари** берилган (РФ СК-346.20 моддаси 4 банди).

Россияда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ҳалқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари, тиббиёт техникаси, дори-дармон ишлаб чиқариш, уй-жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш обьектлари қуриш билан шуғулланувчи кичик ва хусусий корхоналар **дастлабки икки йил давомида** фойдадан солиқ тўламайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунининг 5-моддасига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезони 5 нафардан 200 нафаргача бўлган ходимларининг ўртacha йиллик сони белгиланган. Шунингдек, солиқка тортиш мақсадида Солиқ кодексига мувофиқ, товар айланмаси 100 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача бўлса айланмадан олинадиган солиқ ва 1 млрд. сўмдан ортиқ товар айланмасига эга бўлган корхоналар фойда солиғига ўтиши белгиланган. Солиқ солиш мақсадида кичик корхоналар фаолияти рағбатлантирилмасдан қолмоқда.

2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси Давлат дастурининг **183-бандида**<sup>142</sup> - рақобатдош компанияларни яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари йириклишишини рағбатлантириш. Бунда **ўрта бизнес субъекти тоифасини жорий этиш** ва унга имтиёзларни белгилаш вазифаси қўйилган. Бироқ, бугунги кунга қадар ушбу масала ҳал этилмади.

---

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

Шунингдек, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили” Давлат дастурининг<sup>143</sup> **95-бандида** - кичик корхоналарни тез суръатларда ривожланиб, ишчилар сонини кўпайтириши ҳамда йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантирувчи тизим жорий этиш. Шунингдек, ишчилар сонини ошираётган, тез суръатлар билан ривожланаётган кичик корхоналарни йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантиришни назарда тутувчи механизмларни жорий этиш вазифалари белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномада “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги, унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши кераклиги эътироф этилган<sup>144</sup>.

2020 йил 1 январдан Солиқ кодексига мувофиқ 1 млрд. сўмдан ортиқ товар айланмасига эга бўлган кичик корхоналар умумбелгиланган тартибда фойда солиғи, ҚҚС, мулк, ер ва бошқа солиқларни тўлаб келмоқда. Натижада уларга нисбатан солиқ юки кўпайиб, молиявий фаолиятига таъсир қилмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига асосан, умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи кичик корхоналарга солиқ юкини камайтириш ва рағбатлантириш мақсадида фойда солиғи ставкасини амалдаги 2020 йил 1 январдан белгиланган 15 фоиз ставкага нисбатан пасайтирилган 10 фоиз солиқ ставкасини қўллаш ва фойдасига нисбатан табақалаштириш (регрессив) лозим. Фикримизча, кичик корхоналарни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонларига, ишловчилар сони билан бирга, реализация ҳажмини

<sup>143</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги №ПФ-5308-сон Фармони.

<sup>144</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 24 январь 2020 йил. Халқ сўзи газетаси.

(товар айланма) ҳам киритиш ҳамда **микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхона** мезонларини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз (3.11-жадвал).

### 3.11-жадвал

#### **Таклиф этилаётган кичик тадбиркорлик субъектларини тармоқлар бўйича аниқлаш мезонлари<sup>145</sup>**

Корхона тоифаси	Ишчилар сони	Товар айланмаси	Товар айланмасини аниқлаш мезони
Микрофирма	50 кишигача	1 млрд. сўмгача	БХ- 3333,3 баробаригача
Кичик корхона	51-100 кишигача	1 млрдан - 3 млрд. сўмгача	БХ 3333,4 -10000 баробаригача
Ўрта корхона	101-200 кишигача	3 млрд. сўмдан юқори	БХ -10001 дан ошадиган

Бунда, микрофирмаларда ишчилар сони 50 кишигача ва йиллик товар обороти 1 млрд.сўмгача, кичик корхонларда ишчилар сони 51-100 кишигача ва товар обороти 1 млрд.сўмдан 3 млрд.сўмгача ҳамда ўрта корхоналарда эса 101-200 кишигача ва йиллик товар обороти 2 млрд.сўмдан юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир. Йиллик товар оборотини ҳисоблашда базавий ҳисоблаш (БХ) микдорини (2021 йил 1 сентябрдан – 300 000 сўм) ҳисобга олиш лозим бўлади. Йил давомида базавий ҳисоблаш микдори ўзгарса, товар айланмаси микдори ҳам ўзгаради.

### **3.2. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортиш механизмини такомиллаштириш йўллари.**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг

<sup>145</sup> Жадвал муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида тишлаб чиқилди

учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борада, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашимиз, таъbir жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз кераклиги” - таъкидланган. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди<sup>146</sup>.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида, табдиркорликка қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик мұхитини яратиш, уларга солиқ юкини камайтириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси учинчи йўналишида “макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантиришда рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш” каби чора-тадбирлар белгиланган<sup>147</sup>.

2017-2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси **18,3 фоизни** ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот **60 миллиард** долларга етди. Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 12 декабрь 2020 йил. Тошкент – Халқ сўзи газетаси.

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

сони сезиларли даражада камайтирилди, айланма маблағдан олинадиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармонига мувофиқ мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини, такомиллаштириш, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, солиқ муносабатларини амалга оширишда халқаро амалиётдаги илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш орқали солиқ тўловчилар билан солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш масалалари белгилаб берилди<sup>148</sup>.

Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида кўрсатиб ўтилган асосий муаммолар:

- умумбелгиланган ва соддалаштирилган режимларда солиқларни тўловчилар ўртасидаги солиқ юкини teng тақсимлаш;
- маҳсулот таннархини қимматлашишига олиб келадиган мажбурий тўловларни бекор қилиш ва қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ундиришнинг самарали тизимини жорий этиш;
- солиқ тўловчилар томонидан ходимлар реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келадиган солиқ ставкаларини пасайтириш;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бевосита аралашишни камайтириш ва назорат фаолиятини амалга оширишни хавфли-таҳлил натижаларидан келиб чиқиб амалга ошириш;

---

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони.

- маҳаллий солиқлар ва йигимларнинг йигилувчанлик даражасини ошириш, кўчмас мулк ва ер участкаларидан олинадиган солиқлар самарадорлигини ошириш тартибларига ўтиш бўйича тегишли хукуқий меъёрлар қабул қилинди.


Жумладан, юридик шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар бўйича, фойда солиғи ставкаси 2 фоизга, дивидендан олинадиган солиқ ставкаси 5 фоизга, мол-мулк солиғи ставкаси 3 фоизга, ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов) ставкаси 3 фоизга камайтирилди ва мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни тўлаш бекор қилинди.

Соддалаштирилган тизимда солиқ тўловчиларни ходимлар сонидан келиб чиққан ҳолда умумбелгиланган солиқ тизимиға ўтказиш тартиби бекор қилиниб, 2019 йил 1 январидан бошлаб солиқ даврида олинган ялпи тушумидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш тартиби жорий этилди ва ялпи тушумнинг чегаравий миқдори 1 миллиард сўм қилиб белгиланди.

Жорий йилдан солиқ қонунчилигида жорий этилган ўзгаришлар ва ушбу ўзгаришлар натижасида қўлга киритилган дастлабки натижалар бу солиқ сиёсатимизда кўзда тутилган ислоҳотларнинг бир қисми холос, бугунги кунда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида кўзда тутилган йирик ҳажмдаги вазифаларни амалга оширишда, солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортишда адолатлиликни таъминлаш мақсадида, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади ҳажмига қараб айланмадан олинадиган солиқ жорий этилди. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган таклиф асосида солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан

олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни тўлаши тўғрисидаги меъёр Солик кодексининг 461-моддасида ўз аксини топди ва тадқиқотларимиз натижасида мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши оқибатида 2021 йил давомида айланмадан олинадиган солиқни тўловчи юридик шахслар томонидан 1 354,1 млрд. сўм, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 321,8 млрд. сўм солик давлат бюджетига ундирилишига эришилди (3.5-расм).



### **3.5-расм. 2021 йилда ЯТТлар ва корхоналардан ундирилган айланмадан олинадиган солик тушуми тўғрисида маълумот<sup>149</sup> (млрд. сўмда)**

Юқоридаги 3.5-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2021 йилда амалга оширган айланмаси микдори инобатга олинган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда корхоналар томонидан 1,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағларнинг бюджетга ундирилишига эришилган.

<sup>149</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.

Шу билан бирга юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибалари инобатга олинган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам 2020 йилдан бошлаб амалга оширган айланма маблағлари ҳажмидан келиб чиқиб айланмадан олинадиган солиқни тўлашлари қонунчиликка киритилди. Шу сабабли якка тартибдаги тадбиркорлар 2021 йилда 321,8 млрд.сўм миқдорида айланмадан олинадиган солиқни тўлаган.


Глобал инқироз ва пандемия шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнъ ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврида 9,1 фоизга тенг бўлган. Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1,9 млн кишини ташкил этади (16-30 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизлик даражаси - 20,1 фоиз, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эса - 17,4 фоиз). Натижада иқтисодиётда банд бўлган 10,5 миллион аҳолининг атиги 4,9 миллиони даромад солиғи тўлайди. Солиқ юки кам сонли солиқ тўловчилар зиммасига тушмоқда.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида биз томнимиздан ишлаб чиқилган таклиф инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарорида ўз аксини топди ва амалиётга жорий этилди.. Ушбу хужжатга асосан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланди.

Бунинг натижасида ўзини ўзи банд қилган фуқароларни рўйхатга олиш бўйича мобил илова, солиқ тўловчининг шахсий кабинети ҳамда солиқ

идораларининг ўзида жами 950 мингдан ортиқ фуқаролар рўйхатдан ўтишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасида самарали тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар қўпайиб, соҳада **1 миллион 400 мингта** янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида **16 та қонун, 100 дан зиёд қарор** қабул қилинди. Тадбиркорлар хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди. Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда **1 210,8 минг нафардан ортиқ** фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди (3.6-расм)<sup>150</sup>.



**3.6-расм. Ўз-ўзини банд қилган тадбиркорлик субъектлари таркиби ва сони (2022 йил 1 январь ҳолатига)**

Республика бўйича ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ва уларнинг таркибий қисмлари тўғрисида таҳлилий 3.6-расм маълумотларига асосан ўзини ўзи банд қилган фуқаролар таркиби гурӯҳларга ажратилган. Ушбу гурӯҳлар таркибига тўхталадиган бўлсак улар қўйидагилардан иборат:

<sup>150</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутки. <https://president.uz/uz/lists/view/4551>

Республика миқёсида 2022 йил 1 январь ҳолатига 1210849 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган. Жорий йил давомида республика миқёсида 693265 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилувчи сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг аксарият қисми, яъни 189881 (27 фоиз) нафари қишлоқ хўжалиги йўналишидагилар ҳамда 197364 (28 фоиз) нафари майший хизматларга тўғри келмоқда. Энг кам кўрсаткич ахборот-коммуникация йўналишига, яъни умумий рақамларга нисбатан атиги 2,7 фоизга тўғри келади. Демак мамлакатимизда ушбу соҳа вакилларини янада рағбатлантириш ҳамда енгилликлар бериш ва бунинг натижасида ушбу соҳага тегишли фаолият билан шуғулланувчиларнинг сонини ошириш лозим бўлади.

Мамлакатимизда рўйхатдан ўтмасдан ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва солик тўлашдан қочиш ҳолатларини камайтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида, жисмоний шахсларга такси фаолиятига рухсат берувчи лицензияни бекор қилиш ва уларга ўзини ўзи банд қилиш тартибида ушбу фаолият билан шуғулланишга рухсат бериш фикримизча ижобий натижасини беради.


Тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотлар натижасида Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” халқаро рейтингида Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилиди. Бу ишларнинг барчаси “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, **тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислоҳотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир**”,<sup>151</sup>.

---

<sup>151</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4596>

Тадқиқотлар натижасида бир вақтнинг ўзида бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини солиқса тортиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклиф ишлаб чиқилди.

Ушбу таклиф инобатга олиниб, тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган микдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ ундириш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 383-моддасида ўз аксини топди.



**3.7-расм. Бир вақтнинг ўзида бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги ЯТГлар ва уларга юқори ставканинг қўлланилиши натижасида ундирилган солиқ суммаси<sup>152</sup> (млн.сўм).**

Таҳлилий рақамлардан англаш мумкинки, 2020 йилда икки ва ундан ортиқ, яъни бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланди.

11232 нафар ЯТТлардан 5638,1 млн.сўм қатъий белгиланган даромад солиги ундиришга эришилган. Ушбу ҳолатни 2020 йилдан амалиётга жорий қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси талаблари доирасида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш режимларидағи ўзгаришлар билан асослаш мумкин.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти субъектларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлаш ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантириш бўйича солиқлардан асосий дастак сифатида фойдаланиб келинмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда алоҳида таъкидлаш лозимки, I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқлардан имтиёзлар қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида илмий изланишлар олиб борилди ва натижада асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эътироф этилган далолатномалар олинишига эришилди.


Ишлаб чиқилган таклифлар инобатга олиниб, солиқ қонунчилигига I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан қўп бўлмаган миқдорда тўлашлиги ҳамда «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва ҳунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширганида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлашдан озод этилиши тарзидаги меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 383-моддасида ўз аксини топди<sup>153</sup>.

Ногиронлиги бўлган ЯТТлар ҳамда ҳунармандчилик субъектлари сони ва уларга нисбатан қўлланилган солиқ имтиёзлари натижасида уларнинг

---

<sup>153</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 06/04-01-03-29/1077-сонли маълумотномаси

ихтиёрида қоладиган маблағлар миқдори бўйича таҳлилий маълумотларни кўйидаги расм ҳамда 4-5-иловада келтирилган маълумотлар орқали кўришимиз мумкин.



**3.8-расм. Ногиронлиги бўлган ҳамда хунарманд ЯТГлар сони ва улар томонидан фойдаланилган имтиёзлар миқдори динамикаси<sup>154</sup> (млн.сўм).**

3.8-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, имтиёзга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари сони ва уларнинг ихтиёрида қоладиган сумма тўғри пропорционал равишда ўсиш тенденциясига эга. 2020 йилда пандемия бўлишига қарамасдан таҳлил қилинаётган субъектлар сони ва имтиёз суммаси ортиш тенденциясига эга. Ушбу ҳолатни мазкур тадбиркорларни солиқقا тортиш эмас, балки уларни солиқ тўлашдан озод қилинаётганлиги билан изохлаш мумкин.

Мазкур таклифнинг амалга оширилиши натижасида 2021 йилнинг 9 ойи давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ногиронлиги бўлган шахслар ихтиёрида 19,7 млрд. сўм ҳамда хунармандчилик фаолияти билан

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланди.

шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 421,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар қолишига эришилган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги тўсиқ бўлган энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган **7 та** мухим йўналиш бўйича чора-тадбирларни белгилаб бердилар. Уларга куйидагилар киради:

- бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари;
- солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтиришга оид масалалар;
- ер ажратиш масаласи;
- бизнес учун зарур бўлган инфратузилма муаммолари;
- транспорт-логистика масалалари;
- тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёsatни қатъий давом эттириш.

Таъкидлаш жоизки, пандемия даврида харажатлар кескин ошганига қарамасдан, қўшилган қиймат солиги 20 фоиздан 15 фоизга туширилди, кўпроқ зарар кўрган тармоқларга ижтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизга пасайтирилиб, мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар ихтиёрида қолган 2 триллион сўм маблағни бизнес фаолиятига сарфлаш имконини берди. Лекин солиқ ставкалари ва солиқ маъмурчилиги бўйича тадбиркорлар томонидан кўтарилаётган ҳақли саволлар ҳали жуда кўп.

Жорий йилнинг 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “**Харакатлар стратегиясидан– тараққиёт стратегияси сари**” деган

тамойил асосида, Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.<sup>155</sup> Хусусан, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-куватлаш, солиқ юкини камайтириш, бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича ислоҳотларни давом эттириш каби вазифалар белгилаб берилди.

Глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, айниқса ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва саноатни солиқлар воситасида рағбатлантириш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га киритилган аҳолини ва ёшларни бандлигини таъминлаш, тадбиркорларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференцияларни беришни тақозо қилмоқда.

Шу билан бирга, солиқ қонунчилигидаги қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортда қолаётганлигини, айрим лицензия ва руҳсатномаларни расмийлаштиришда ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқкан ҳолда, мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш имкониятига эга бўлган яхлит тизим яратиш фикримизча ўзининг ижобий натижасини беради.

### **3-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР**

Диссертациянинг ушбу боби якунида биз, қуйидаги хулосаларни шакллантирамиз, жумладан:

Кичик бизнес субъектларига қулай ишбилармонлик муҳити ва инвестицион иқлим яратиш ҳамда илгор хорижий мамлакатларнинг

---

<sup>155</sup> Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. 2021 йил 6 ноябрь

тажрибасини амалиётда қўллаш мақсадида қўйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- кичик корхоналарни соликқа тортишнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонларига, ишловчилар сони билан бирга, реализация ҳажмини (товар айланма) ҳам киритиш ҳамда микрофирма, кичик корхона ва **ўрта корхона** мезонларини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.
- кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш рағбатлантириш мақсадида, амалдаги фойда солиғи ставкасини пасайтириш орқали солик юкини камайтириш ҳамда инновацион фаолликни қўллаш лозим деб ҳисоблаймиз.
- узоқ ва бориши қийин бўлган ҳудудларда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида солик таътилларини бериш;
- бир вақтнинг ўзида бир нечта фаолият тури билан шуғулланувчи ҳар хил ҳудуддаги якка тартиbdаги тадбиркорлар фаолиятини соликқа тортиш механизмини такомиллаштириш бу борада фаолият жойи инобатга олиниши мақсадга мувофиқ;
- 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорлигини ошириш бўйича тасдиқланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасига асосланган тегишли рейтинглар методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- интернет тармоғида «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона портали яратилган бўлсада, интернет тармоғидаги **businessinfo.uz**-порталида маълумотлар рус тилида берилган бўлиб, ўзбек ва инглиз тилида маълумотлар берилмаган ҳамда етарлича очиб берилмаган.

Фикримизча, порталда таҳлилий маълумотлар билан бойитиш ҳамда ўзбек ва инглиз тилида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ;

- микрофирма ва кичик корхоналар янги иш ўринлари яратиб республика ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминласа, янги ходимларга (битирувчиларга) бериладиган иш ҳақи суммаси миқдорида, ижтимоий солиқ базасини 50% дан ошмаган миқдорда белгилаган муддатга (12 ойгача) солиқ базасини камайтириш ҳукуқи берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур имтиёзни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сон Фармонига ўзгартириш киритиш керак.

- тадбиркорлик субъектлари томонидан туманлардаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини янада ошириш ва ҳақиқатда мавжуд ишчилар сонининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида, **янги иш ўринлари** яратган тадбиркорлик субъектларига нисбатан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг амалдаги ставкасини 50 фоизга пасайтириш лозим. Буннинг натижасида аҳоли бандлиги таъминланади ва “конверт” усулида иш ҳақи бериш ҳолатларининг олди олинади.

- бандлик масалалари бўйича идораларо маълумот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида, Ягона миллий меҳнат тизими дастурий таъминотини солиқ органлари билан интеграция қилиб, ўз ўзини банд қилганлар ва ЯТГларда ишлаётганларнинг бандлигини мазкур тизимда қайд қилиш таклиф этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, билдирилган амалий таклифлар ва тавсиялар мамлакатимизда глобал иқтисодий инқироз ва пандемия шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бизнесга ишбилармонлик мухитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини солиқлар орқали қўллаб-қувватлашга хизмат қиласи.

## ХУЛОСА

Тадбиркорлик субъектларини солиқса тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларига доир тадқиқот натижалари сифатида күйидаги хулосалар, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилиармонлик мухитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-кувватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2. Янги тараққиёт стратегиясига мувофиқ, тадбиркорликни ривожлантириш ва қулай ишбилиармонлик мухитини яратиш, солиқса тортишни соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилиги шаффоффлигини ошириш ва қўшимча солиқ базасини кенгайтириш орқали солиқ тушумларини кўпайтириш мамлакат солиқ сиёсатининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

3. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, иқтисодчи олимлар томонидан “солиқ механизми” тушунчасининг моҳияти ва “солиқ механизми элементлари” турлари ва таркиби бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида аниқ бир тўхтамга келинмаган ва мунозарали ҳолат ҳисобланади.

солиқ механизми деганда – солиқ муносабатларининг усуллари ва қоидалари мажмуи бўлиб, солиқ механизми элементлари орқали солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқса тортиш тартибларини жорий этиш ва солиқ маъмуриятчилиги орқали бюджетга солиқларни ундириш жараёнидир - деб таъриф берилиши мақсадга мувофиқдир.

солиқ механизми элементлари таркибига солиқларни режалаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати ва солиқ маъмуриятчилигини киритиш мақсадга мувофиқдир.

4. Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шартшароитларни яратиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш

амалиёти жорий қилинди. Бугунги кунда ўзини ўзи банд қилган ҳолда 1 210,8 мингдан ортиқ фуқаролар рўйхатдан ўтишига эришилган;

5. Тадбиркорлик субъекти ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлаши, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Натижада тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиёти такомиллашади ҳамда бюджет даромадлари барқарорлиги таъминланади.

6. I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини қўллаш устувор аҳамият касб этади. Натижада мазкур фаолият субъектлари сони ҳамда уларнинг ихтиёрида қоладиган маблағлар миқдори ортиши асослантирилди.

7. Кичик корхоналарни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонларига, ишловчилар сони билан бирга, реализация ҳажмини (товар айланма) ҳамда активлар қийматини ҳам киритиш, шунингдек микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхона тоифаларини белгилаш зурур деб ҳисоблаймиз.

8. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилган айланма ҳажми инобатга олиниб, солиққа тортиш режимларини белгилаш ушбу субъектлар томонидан солиққа тортиладиган айланма миқдорини камайтириб кўрсатишга ундаши мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда корхоналар томонидан айланма миқдорини камайтириб кўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда жавобгарлик чораларини кучайтириш бу бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш;

9. Бугунги кунда якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш борасида кўпгина ижобий ислоҳотлар амалга оширилиши билан бир қаторда ушбу соҳада эътибор қаратилиши лозим бўлган қуйидаги ҳолатларни кузатишмиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли Фармонининг 7-бандига I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият турига ва фаолият жойига нисбатан қўлланиладиган солик ставкасининг 50 фоизи миқдорида қатъий белгиланган даромад солиғи тўлаши тарзида ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сонли қарорлари талабларини инобатга олган ҳолда ПФ-5270-сонли Фармонининг 7-бандига ўзгартириш киритиб, якка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун — бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солик ставкаси қўллаш бўйича белгиланган меъёрни бекор қилиш лозим.

якка тартибдаги тадбиркорликни янада ривожлантиришга қулай шартшароитлар яратиш мақсадида, солик қонунчилигига якка тартибдаги тадбиркор томонидан қатъий белгиланган соликни фаолият амалга оширилган жой учун белгиланган ставкалари бўйича тўлаш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

10. Таҳлил қилинган корхоналарда маҳсулот таннархи учун харажатлари ортиб кетиши бунинг натижасида корхонанинг рентабеллик даражаси тушиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда тадбиркорлик субъектлари томонидан йил якунига кўра рентабеллик даражасини оширган корхоналарга нисбатан фойда ҳамда айланмадан олинадиган солиқлар бўйича регрессив ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Натижада, тадбиркорлик субъектлари фаолияти давомида амалга оширган айланма миқдорини ошкорлаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида тушишини таъминлаш, соликка оид ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади.

11. Узоқ ва бориши қийин бўлган худудларда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида солик таътилларини бериш;

12. Микрофирма ва кичик корхоналар янги иш ўринлари яратиб республика ўкув юртлари битирувчиларини иш билан таъминласа, янги ходимларга (битирувчиларга) бериладиган иш ҳақи суммаси миқдорида, ижтимоий солик базасини 50% дан ошмаган миқдорда белгилаган муддатга (12 ойгача) солик базасини камайтириш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур имтиёзни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сон Фармонига ўзгартириш киритиш орқали татбиқ қилиш;

13. Тадбиркорлик субъектлари томонидан туманлардаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини янада ошириш ва ҳақиқатда мавжуд ишчилар сонининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида, **янги иш ўринлари** яратган тадбиркорлик субъектларига нисбатан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ва ижтимоий соликнинг амалдаги ставкасини 50 фоизга пасайтириш лозим. Бунинг натижасида аҳоли бандлиги таъминланади ва “конверт” усулида иш ҳақи бериш ҳолатларининг олди олинади.

Юқоридаги таклифлар ва тавсияларнинг амалиётга қўлланиши натижасида мамлакатимиизда глобал иқтисодий инқироз ва пандемия шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бизнесга ишビルармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини соликлар орқали қўллаб-қувватлашга хизмат қиласи.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Норматив-хукуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”, 2014 й. -73 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2021. – 473 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси: Расмий нашр -Т.: “Адолат”, 2020. – 156 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонуни
